Mustaqil gazeta

HURRIYAT

O`zingni angla!

Газетамизга 2008 йил учун обуна давом этади. **Муштарийларимиз safida бўлинг!** Нашр кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * **2008-yil 28-may, №24 (581)** * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://**www.hurriyat.uz**

ЯҲЁ ҒУЛОМОВ АКАДЕМИЯСИ

Яҳё Ғуломов ёзган мақолалар унинг аспирантлик давридаёқ тилга тушди. Бу даврга келиб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва илмий ўрганиш республика қўмитаси тузилди. Қўмитага Яҳё Ғуломов илмий котиб қилиб тайинланди.

⇨ 4-бет

ИСМЛАР ТАҚДИРДАН СЎЙЛАЙДИ



Исм инсон тақдирига ҳам ўз таъсирини ўтказиши аллақачон исботини топган. У шунчаки кишиларни бир-биридан ажратиб турадиган чақириш воситасигина эмас. Исмга одам боласининг борлиғи, руҳи, "Мен"и сингиб кетган бўлади.

⇨ 7-бет

ҲАЁТ, БУ — ТЎСИҚЛАР ОША ЮГУРМОҚДИР

Халқимизнинг атоқли ёзувчиларидан бири Тоғай Мурод ён дафтарида қолган қуйидаги ёзувлар бугун илк бор матбуот юзини кўрмоқда. Тўғри, бу битикларнинг айримларидан адиб қисса ва романларида фойдаланган. Кўпчилиги эса ёзилажак асарлар учун асраб қўйилган хомашё бўлган, назаримизда.

⇨ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **Шу йил 12 май куни Хитойнинг Сичуань провинциясида рўй берган кучли зилзила оқибатида 50 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлган, 30 минга яқин киши бедарак йўқолган. Юз минглаб кишилар жароҳат олган. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Хитой Халқ Республикасининг зилзиладан талафот кўрган аҳолисига инсонпарварлик ёрдами жўнатилди.**

■ Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган, ҳақли равишда "Шарқ дарвозаси" деб ном олган, халқимизнинг ғурур-ифтихори бўлмиш азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилей рамзи (эмблемаси)нинг энг яхши лойиҳаси учун очиқ танлов эълон қилди.

■ **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида вилоят хотин-қизлар қўмиталари ёш раҳбар ходимлари учун малака ошириш махсус курслари бошланди.**
Унда Қашқадарё, Сурхондарё ва Навоий вилоятлари хотин-қизлар қўмиталарининг ёш мутахассислари иштирок этмоқда. Бир ой давом этадиган махсус ўқув курсларидан кўзланган асосий мақсад — ёш раҳбар кадрларнинг бошқарувчилик тажрибаси, бу борадаги малака ва кўникмалари, маҳоратини янада оширишга қаратилган.

■ Пойтахтимизда Қорақалпоғистон ва Қизилқум чўлларида мелиоратив ҳолати жуда ёмонлашган ерларда экотизим барқарорлигини таъминлашга оид лойиҳанинг тақдимоти бўлиб ўтди.
Қизилқум чўлида қумларнинг кўчишини ҳамда Орол денгизининг қуриши натижасида ҳосил бўлган чўлланиш жараёнининг олдини олиш учун 100 минг гектар майдонга шўрланишга ва сувсизликка чидамли саксовул, черкис каби ўсимликлар экиш режалаштирилмоқда.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Эртасини ўйлаган миллат



Бу кунни халқимиз оддийгина қилиб "Болалар куни", дейди. Ҳар йили 1 июнь мамлакат миқёсида кенг нишонланади. Аслида болажон ўзбеклар учун ушбу сана "Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни"ми, у қачондан бери нишонланади, бизга қачон кириб келган — шу каби саволларнинг фарқи йўқ. Муҳими, бу кун болажонлар байрами. Худдики минг йилдан бери бор байрам!

Биз кўп масалаларда гап очар эканмиз, беихтиёр тарихга мурожаат қиламиз. Чунки улуғ мутафаккир Маҳмудхўжа Беҳбудий айтганидек, "Ўтмиш келажак тарозисидир, ҳар ким ўлчасин-да, билсин!" Она юртимиз ҳудудида уч минг йиллар илгари яшаган халқлар томонидан яратилган "Авесто" китобида болалар ҳуқуқларини кафолатлаш тўғрисида ҳам фикрлар бор десак, бунга ҳеч ким ҳайратланмаса керак. Негаки, аждодларимиз бола ҳали туғилмасидан аввал ўз ҳуқуқларига эга бўлишини уқтиришган. Масалан, ҳомилани нобуд қилиш қаттиқ тақиқланиб, бунда хотин ва эр билан бирга доя ҳам катта жазога тортилиши таъкидланган.

Болаларга эътибор, чексиз ғамхўрлик халқимиз ҳаётида ҳам, давлатимиз сиёсатида ҳам бугун-да устувор. Болалар ҳуқуқлари бўйича конвенция БМТ томонидан 1989 йили қабул қилинган бўлса, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, биринчилар қаторида қўшилган халқаро ҳужжатлардан бири ҳам шу конвенция бўлди. Халқаро ҳуқуқнинг меъёрлари миллий қонунчилигимизга ҳам жорий этилди. Юртимизда болалар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича етарли ҳуқуқий база шаклланди. Бундан ташқари, қабул қилинаётган барча меъёрий ҳужжатларда болалар ҳаётини янада яхшилаш, ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари ўз акси топмоқда. 2008 йил — Ёшлар йилининг дастлабки кунларидаёқ Ўзбекистон Республикасининг "Болалар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуни эълон қилинди. Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган ушбу ҳужжат республикамизда келажак авлодга кўрсатилаётган доимий эътиборнинг галдаги бир ифодаси бўлди.

Эртасини ўйлаган, келажагига ёруғ умидлар билан қараётган халқ, миллат борки ёш авлодга эътиборли бўлади. Соғлом танда соғ ақл деганларидек, ёш авлод саломатлиги масаласи биринчи ўринда туради.

Бу йўлда юртимизда амалга оширилаётган ишларни санаб саноғига етиш қийин. Мустақиллик йилларида она ва болани ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг яхлит тизими ишлаб чиқилдики, бу соҳага давлат бюджетининг катта қисми йўналтирилмоқда. 2006 йили ижтимоий соҳа ва аҳолини қўллаб-қувватлашга бюджетнинг 51 фоизи ажратилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 54,3 фоизни ташкил этди. Биргина ёшларни спортга жалб этиш бўйича қилинаётган ишларни эътиборга олинг. Албатта, ҳар бир амал ўз самарасини бергуси. Маълумотларга қараганда, республикамизда кейинги йилларда балоғат ёшидаги болаларнинг бўйи илгаригига нисбатан ўртача 5 сантиметр, вазни эса 4-8 килограммга ошган...

...Барча саъй-ҳаракатларнинг замирида бир мақсад мужассам. Ахир, Ўзбекистоннинг буюк келажагини, аждодларимиз орзу қилиб келган фуқаролик жамиятини, ватан равнақи-ю халқ фаравонлигини биздан-да билимли, биздан-да салоҳиятли ёш авлодсиз тасаввур қилиб бўладими? Қолаверса, эртага жаҳон ҳамжамиятида қандай ўрин тутишимиз ҳам нафақат 1 июнни байрам қилаётган, балки ҳар куни ва ҳамма вақт қувнаб-яйраб камолга етаётган болаларга боғлиқдир.

Улуғбек МАҲКАМОВ

Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилади.

■ ЖАРАЁН

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш — суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бош мақсади

Тарихан қисқа давр ичида Ўзбекистон Республикасида мустақил демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ғоялари ва бевосита ташаббуси асосида ҳамда раҳбарлигида босқичма-босқич амалга оширилаётган, жамият ва давлат ҳаётининг деярли барча жабҳаларини қамраб олган ислоҳотлар ва либераллаштириш жараёни мамлакатимизнинг тараққиёт йўлини белгилаб берди.

Бу жараёнда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришларга, шу жумладан, суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, унинг жамиятдаги мавқеини ошириш, шунингдек, асосий вазифаси — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашдан иборат бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тизимни либераллаштириш масалаларига алоҳида ўрин ажратилган эди.

2001 йил 29 августда "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишнинг энг муҳим босқичларидан бири бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ғояси асосида ишлаб чиқилиб, қабул қилинган мазкур Қонуннинг муболағасиз ғоят катта аҳамияти ҳақида кўплаб мақолалар чоп этилган, қатор илмий ишлар қилинган, конференциялар ва учрашувлар ўтказилган. Бундан мақсад — қонунни қабул қилишда айрим ҳуқуқшуносларнинг жиноий жазолар либераллаштирилиши жиноятчиликка қарши курашишда жиддий муаммоларни келтириб чиқариши ҳамда жиноятларнинг сонини кескин ошириб юбориши мумкинлиги ҳақидаги хавотирларининг ўринсиз ва асоссизлигини яққол кўрсатишдан иборат эди.

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг либераллаштирилиши муносабати билан охирги беш йил давомида мамлакатимизда содир этилаётган оғир ва ўта оғир жиноятларнинг сони йилига ўртача 18 мингтани ташкил қилди. Айни пайтда, биргина 2000 йилда бундай жиноятлар сони 42 фоизга кўп, яъни 31 мингтадан иборат бўлган.

Ярашув институти қоидаларини қўллаш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Хусусан, 2002-2007 йиллар мобайнида жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан 57 минг нафардан ортиқ жиноят содир этган шахслар жиноий жавобгарликдан озод қилинган.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳамда озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш ҳоллари кескин камайди. Жиноий жазолар либераллаштирилгунга қадар, масалан, 2000 йилда жиноят содир қилган 31 минг нафардан ортиқ шахс ёки ҳар иккинчи айбланувчи дастлабки тергов даврида қамоққа олиниб, судланганларнинг деярли ярмига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинланган бўлса, 2007 йилда фақат 13 минг нафар шахс ёки ҳар бешинчи айбланувчи қамоққа олинган.

2»

■ ДУНЁ СИЁСАТИ

Россия ва Хитой раҳбарлари келишуви

Россия ва Хитой атом энергетикаси соҳасида битим имзолади. Келишувга кўра, Россия Хитойда уранни бойитиш бўйича завод қуришга ёрдам беради. France-Presse агентлигининг "Росатом" ташкилоти раҳбари Сергей Кириенкога таяниб маълум қилишича, ушбу заводни қуриш учун бир миллиард АҚШ доллари миқдоридаги маблағ керак бўлади.

Мазкур битим Россия президенти Дмитрий Медведевнинг Хитой пойтахти Пекинга расмий ташрифи ва ушбу давлат раҳбари Ху Цзиньтао билан учрашуви доирасида имзоланган.

Битим ўн йил давомида Россиядан олти миллион бирликда кам бойитилган уран етказиб беришни назарда тутади. "Росатом" раҳбари ҳозирга қадар мамлакат тарихида бундай йирик миқдордаги лойиҳа амалга оширилмаганини маълум қилган.

5»

■ ХАБАР

Олимпиаданинг якуний босқичи

Пойтахтимизда умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаси якуний босқичи бошланди. Олимпиада Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Жорий йилда умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг республика олимпиадаси дастлабки босқичларида икки миллионга яқин ўқувчи иштирок этган бўлса, уларнинг уч юз нафари беллашувнинг якуний босқичида қатнашмоқда. Умумтаълим фанлари бўйича бу йилги олимпиаданинг ўзига хослиги — ўқувчиларнинг ўз билими, иқтидори ва салоҳиятини тўла намоён этишлари учун имконият яратиш мақсадида ҳар бир фандан тест саволлари кўпайтирилган.

Шу йилнинг 30 майигача давом этадиган фанлар олимпиадасида ўқувчилар ўз билимларини синовдан ўтказиш билан бирга турли қизиқарли маданий-маърифий тадбирларда иштирок этиб, пойтахтимиздаги янги барпо этилган иншоотлар ва тарихий меъморий мажмуаларни томоша қиладилар.

Гулсарвар РАУПОВА

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Бугуннинг нафаси

■ Пойтахтимизда Ўзбекистон дерматовенерологларининг V съезди бўлиб ўтди. Икки кун давом этган тадбирда мамлакатимиз олимлари ва шифокорлари билан бир қаторда Россия, Украина, Беларусь, Қозоғистон ва Қирғизистондан келган мутахассислар ҳам иштирок этди.

■ **Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон лизинг берувчилар уюшмаси ҳамда Банклар ассоциацияси ташаббуси билан "Марказий Осиёда лизинг: ривожланиш босқичлари ва кўрсаткичлари" мавзусида II халқаро конференция бўлиб ўтди.**

■ Тошкент шаҳрида узумчиликни ривожлантириш ва фермер хўжаликлари ҳамда қайта ишлаш корхоналарининг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

■ **Жиззах политехника институтида янги техника ва технологияларни жорий этишнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

■ Термиз шаҳрида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Сурхондарё филиали ташаббуси билан «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш» мавзусига бағишлаб ўқув семинари ўтказилди. Унда вилоят прокуратураси, адлия, ички ишлар бошқармалари, жамоат бирлашмалари ва сиёсий партиялар вакиллари иштирок этди.

■ **Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида навбатдаги бўш ин ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда минтга яқин муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ва касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар иштирок этишди.**
Ярмаркада қатнашган 200 га яқин корхона ва ташкилот талабгорларга 1 минг 628 та бўш ин жойини таклиф этди. Шу куни 400 дан зиёд йигит-қиз ишга кириш учун йўлланма олди.

■ Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

■ **Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида экология фани бўйича республика олимпиадасининг иккинчи босқичи якунланди. Унда мамлакатимиз олий ўқув юртларидан 18 жамоа иштирок этди.**
Андижон давлат университетининг 3-босқич талабаси Озода Қўлдашева биринчи ўринга лойиқ топилди. Кейинги ўринлар Самарқанд давлат университетининг 3-босқич талабаси Зилола Қосимова ҳамда Термиз давлат университети 3-босқич талабаси Равшан Чорниева насиб этди.

■ Тошкент ислом университетида "Ёшлар ва миллий-диний қадриятларга муносабат маданияти" мавзусида анъанавий илмий-амалий форум бўлиб ўтди.

■ **Акциядорлик-тижорат "Капитал-банк" "BANKEXPO-2008" банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари кўргазмасида "Энг кўп таниф буюриладиган стенд" мукофотига сазовор бўлди.**

Дилноза МИРЗАЁҚУБОВА тайёрлади.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ — СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ БОШ МАҚСАДИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Судланганларнинг 70 фоизига нисбатан жамият ва оиладан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чоралари қўлланилган.

Қонуннинг моддий зарарни тўлиқ қоплаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин эмаслиги ҳақидаги талабини тушунтириш борасида олиб борилган кенг қамровли ишлар зарарнинг қопланиш даражасининг жиддий ошишига имкон берди. Охирги беш йил давомида прокуратура органлари томонидан дастлабки тергов давомида 435 млрд. сўмлик зарар ёки умумий аниқланган зарарнинг 78 фоизи айбдорлар томонидан қопланиши таъминланган.

Либераллаштириш сиёсатининг самарадорлиги жиноий жазолар тизимини янада енгиллаштириш мумкинлигини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2005 йилнинг 1 августида имзоланган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ҳамда 2005 йилнинг 8 августида имзоланган "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги фармонлар суд-ҳуқуқ соҳасини либераллаштириш жараёнининг мантиқий давоми бўлди.

Мазкур фармонлар асосида "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ва "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ишлаб чиқилиб, 2007 йил 11 июлда қабул қилинди.

Ушбу қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш учун барча ташкилий-тайёргарлик ва тушунтириш ишларини амалга оширишга анча узоқ муддат ажратилди. Бу борада қатор хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ўрганилиб, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тажрибали ходимлари ҳамда кенг жамоатчиликнинг фикри инобатга олинди.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровлар шуни кўрсатдики, кенг тушунтириш ишлари олиб борилиши натижасида ўлим жазосининг тарафдорлари сезиларли даражада камайиб, мамлакатимиз аҳолисининг мутлақ кўпчилиги (90 фоиз) давлат раҳбарининг ўлим жазосини бекор қилиш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш ҳақидаги қонунчилик ташаббусини қўллаб-қувватлади.

2008 йилнинг 1 январидан янги қонунлар кучга кириб, амалиётда қўлланила бошлади. Шунда ҳақли бир савол туғилиши мумкин: ҳозирги кунда мазкур қонунлар қандай ишлаяпти, кутилган натижаларга эришилдими-йўқми?

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, ҳозирда қонунлар тўлиқ ҳажмда ишламоқда ва уларни қўллаш борасида деярли муаммолар мавжуд эмас. Масалан, 2008 йилнинг 1-чорагида прокурорларнинг илтимосномалари асосида судлар томонидан 3.272 нафар айбланувчига нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилди, айбланувчиларни қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш ҳақидаги 10 та илтимоснома қаноатлантирилди.

Судлар томонидан прокурорларнинг қамоққа олишга санкция бериш ҳақидаги илтимосномаларини рад этиш ҳоллари ҳам мавжуд бўлиб, бу янги қонунлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга хизмат қилишини тасдиқловчи ҳолдир.

Таъкидлаш жоизки, қайд этилган қонунларнинг қабул қилиниши билан суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёни якунланмади. Аксинча, бизнинг олдимизда ҳали ҳал қилинмаган кўплаб масалалар турибди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоясини самарали таъминлаш мақсадида амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш ва соддалаштириш, ундаги камчиликларни бартараф қилишга қаратилган қатор янги қонунларнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши бунинг яққол исботидир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 13 декабрдаги Қонуни билан Жиноят-процессуал кодексининг 332 ва 351-моддаларига киритилган ўзгартишлар жиноят ишларини бирлаштириш ва ажратишда дастлабки тергов муддатларини ҳисоблашнинг қатъий тартибини белгилаб берди. Мазкур тартибга кўра, жиноят ишлари бирлаштирилаётганда улар бўйича иш юритиш муддати узоқроқ муддат давомида тергов қилинган жиноят иши бўйича белгиланади, жиноят ишини ажратишда эса бу жиноят иши қайси жиноят ишидан алоҳида иш юритувга ажратилган бўлса, ўша иш қўзғатилган пайтдан ҳисобланади.

Қайд этиш керакки, қонунчиликда илгари мавжуд бўлган ушбу камчилик туфайли терговчилар томонидан самарасиз ўтказиб юборилган тергов муддатини узайтириш йўли билан эмас, балки жиноят ишларини асоссиз бирлаштириш ва ажратиш ҳамда иш юритиш муддатини янги қўзғатилган жиноят иши бўйича ҳисоблаш орқали тергов муддатини тиклашдан иборат салбий амалиёт вужудга келган эди.

Бундан ташқари, тергов қилинаётган жиноят иши билан боғлиқ бўлмаган янги жиноят аниқланган тақдирда, жиноят ишининг мазкур ҳолатга доир қисми жиноят иши қўзғатилган ҳолда алоҳида иш юритувга ажратилиши лозимлиги ҳақидаги норма жиноятларни, жиноят ишининг бир қисмини материал тариқасида ажратиш йўли билан ҳисобдан яшириш ҳолларига чек қўйди.

Янги киритилган юқоридаги қоидалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари, адвокатлар, ҳуқуқшунос олимлар томонидан ижобий баҳоланди ва тергов ходимларининг масъулиятини оширишга ҳамда жиноят ишларини сансалорликка солиш ҳолларининг олдини олишга қаратилган ўз вақтида кўрилган кескин чора бўлди ҳамда процессуал қонуннинг тўғри қўлланишига замин яратди.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 апрелдаги Қонуни билан Жиноят кодексининг 58-моддасига киритилган ҳамда жиноятга тайёргарлик ва унга суиқасд учун жазонинг юқори чегарасини белгилашдан иборат бўлган ўзгартишлар жиноий жавобгарликни янада либераллаштириш борасида муҳим қадамлардан бири бўлди. Бундан буён шундай қилмиш учун суд томонидан тайинланадиган жазо Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида белгиланган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги лозим.

Таъкидлаш лозимки, бу мамлакатимизнинг инсонпарварлик ва одиллик ғояларига содиқлигининг яна бир ёрқин ифодасидир.

Мазкур тузатишлар қабул қилингунга қадар, айрим ҳолларда, жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиб, жазоларни индивидуаллаштириш қоидаларига риоя қилинмас эди. Тугалланмаган жиноятларнинг хавфи камроқ бўлишига қарамасдан, айбдорларга нисбатан асоссиз оғир жазо тайинлаш ҳоллари учраб турарди. Бу эса, ўз навбатида, фуқаролар ва судланганларнинг қариндошларининг асосли эътирозларини келтириб чиқарар эди.

Бундан буён, суд амалиётидан тугалланмаган жиноятлар учун максимал жазо тайинлаш имконияти чиқарив ташланди.

2008 йил Ёшлар йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан 2008 йил 16 апрелда "Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши алоҳида аҳамиятга эгадир.

Қайд этиш жоизки, ҳукуматимиз ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича Комиссия томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида кўрилаётган чоралар, шунингдек, жиноятларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида охирги йилларда мазкур тоифадаги шахслар ўртасида жиноятчилик камайиб бормоқда.

Шу билан бирга, оила, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда таълим муассасаларининг тарбиявий потенциали сусайиши, ота-оналар томонидан болаларни тарбиялаш ва ўқитиш билан боғлиқ мажбуриятлар етарли бажарилмаётганлиги, уларга салбий таъсир кўрсатилаётганлиги вояга етмаганлар томонидан жиноятлар содир этилишининг сабабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Шунинг учун бундай шахсларга нисбатан қонунда белгиланган чораларни ўз вақтида кўриш жуда катта аҳамиятга эгадир.

Юқорида тилга олинган қонун вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларининг самарадорлигини ошириш мақсадини кўзлайди ва вояга етмаган шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш ҳамда уларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилганлик учун жиноий жазо чораларини кучайтиришни назарда тутади.

Бундан ташқари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик, уларни жойлаштиришда қонун талабларини бузиш ҳамда вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилганлик учун мазкур қонун билан маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни ва Оила кодексига киритилган ўзгартишлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим, даволаш ва бошқа муассасаларнинг мансабдор шахслари ҳамда фуқароларга ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органларига тақдим этиш мажбуриятини юклайди. Бу эса васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан мазкур болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида зарур чоралар ўз вақтида кўрилишини таъминлайди.

Миграция жараёнларининг кучайиши муносабати билан одамлар савдоси қамрови тобора кенгайиб бораётганлигини инобатга олиб, ҳозирги вақтда жаҳонда бу жиноятларга қарши курашиш масаласининг долзарблиги ортмоқда. Ўтган йилнинг февраль ойида Вена шаҳрида (Австрия) одам савдосига қарши курашиш мавзусига бағишлаб ўтказилган халқаро конференциянинг маълумотларига кўра, ҳар йили 2,7 млн. нафарга яқин шахс бу жиноятнинг қурбони бўлиб, уларнинг 80 фоизини аёллар ва болалар ташкил қилади.

Шу муносабат билан республикамизда бу иллатга қарши курашиш масалалари давлат миқёсида ҳал қилинмоқда. Ҳозирда Ўзбекистон одамларнинг нолегал трафикига қарши курашиш ва унинг қурбонларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий базасини ташкил қилувчи асосий халқаро ҳужжатлар, шу жумладан, Болаларни бошқа мамлакатларга ўғирлашнинг фуқаролик аспектлари тўғрисидаги Гаага Конвенцияси, Одамлар савдосига ва учинчи шахслар томонидан фоҳишаликда фойдаланишга қарши курашиш тўғрисидаги Конвенция ва унга Якунловчи баённома, БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича Конвенциясининг иштирокчиси бўлиб, бу борадаги ишларни давом эттирмоқда.

БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича Конвенциясини тўлдирувчи, 2000 йилнинг 15 декабрида қабул қилинган "Одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосини тўхтатиш, олдини олиш ва унинг учун жазо тўғрисида"ги Баённомада одамлар савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг самарали чораларини кўриш учун бундай савдонинг олдини олишга, бу фаолият билан шуғулланувчи шахсларни жазолашга ва унинг қурбонларини, шу жумладан, уларнинг халқаро эътироф этилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган чораларни ўз ичига олган кенг қамровли халқаро ёндашув зарурлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Одамлар савдосига қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш ҳамда мазкур Баённоманинг қоидаларини миллий қонунчиликка сингдириш мақсадида 2008 йил 17 апрелда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Бу Қонунда "одам савдоси" ва "одамлардан фойдаланиш" тушунчалари белгиланган, одам савдосига қарши курашиш тизимининг ташкил этилиши тартиби, ваколатли органлар ва уларнинг вазифалари, шунингдек, одам савдоси қурбонларининг ҳимояси ва ижтимоий-ҳуқуқий реабилитацияси масалалари ёритилган.

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларга содиқлигини ва ўзининг халқаро мажбуриятларини бажараётганлигини тасдиқловчи яна бир далилдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнининг мантиқий давоми бўлди.

Адвокатуранинг ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шароитларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш борасидаги тутган ўрнидан келиб чиқиб, мазкур институтнинг ислоҳ қилиниши суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ислоҳотларнинг бугунги кундаги энг муҳим вазифаси сифатида эътироф этилди.

Таъкидлаш жоизки, адвокатура институтини ислоҳ қилиш жараёни мустақиллик эълон қилинган дастлабки йилларда бошланган. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида сўзлаган нутқида адвокатлар тизимининг мавқеи ва аҳамиятини кескин кўтариш лозимлигини, улар, биринчи навбатда, судлов амалиётида конституциявий ва ҳуқуқий меъёрларга қатъий риоя этилишини таъминлашлари, ўз ҳимояларидаги фуқароларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишлари кераклигини таъкидлаган эди.

Кейинчалик қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги "Адвокатура тўғрисида"ги ва 1998 йил 25 декабрдаги "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунлари илк бор мустақил Ўзбекистонда адвокатуранинг самарали фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий асослар яратиб, адвокатларнинг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятининг асосий кафолатларини мустаҳкамлади.

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони — фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, адвокатлар мустақиллигининг кафолатларини кучайтириш ва ушбу касбнинг обрўси ҳамда нуфузини оширишга қаратилган навбатдаги муҳим қадамдир.

Фармонда адвокатурани ислоҳ қилишнинг қатор асосий йўналишлари, шу жумладан, адвокатликка номзод шахсларнинг малакасига нисбатан қўйилаётган талабларни кучайтириш, уларнинг мунтазам равишда касбга оид малакасини оширишнинг мажбурийлигини жорий қилиш, айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳуқуқлари тенглиги ва шу каби бошқа масалалар кўзда тутилган.

Фармонга асосан тузилаётган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий тузилмалари адвокатлик уюшмасининг ягона ўзини ўзи бошқариш тизимини ташкил этиб, Адвокатлар ассоциациясининг ўрнини эгаллайди. Ушбу нотижорат ташкилот фуқаролик жамиятининг белгиси сифатида адвокатлик тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, адвокатурани янада ривожлантириш, адвокатларни касбий фаолияти билан боғлиқ таъқиблардан ҳимоя қилиш ҳамда улар томонидан қонунчиликка ва касб этикаси қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қилишга хизмат қилади.

Фармон билан адвокатурага сифат жиҳатидан берилаётган янги мақом, албатта, адвокатларнинг профессионаллиги, компетентлилиги, виждонлилиги ва ҳалоллиги учун жамият олдидаги масъулиятини оширади.

Таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган қонун ҳужжатлари ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бир қисмини ташкил қилади, холос.

Охирги ярим йил ичида қабул қилинган қонунлар билан қатор қонун ҳужжатларига, шу жумладан, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодексларига ўзгартишлар киритилди. Ушбу тузатишлар жарима тариқасидаги жиноий жазони мажбурий ундириш ва жазони ижро этиш муассасасини ўзбошимчалик билан тарк этган маҳкумга нисбатан колония турини алмаштириш масалаларини ҳал қилиш тартибларини такомиллаштириш, судловга тегишлилик қоидаларини ўзгартириш, қимор ўйинларини ноқонуний ташкил этиш ва ўтказиш учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартишларга биноан, қимор ўйинларида қонунга хилоф равишда иштирок этиш, бундай ўйинларга вояга етмаганларни жалб этиш, шунингдек, ҳайдовчилар томонидан транспорт воситасини бошқариш пайтида телефон, теле-, видеомонитордан фойдаланиш ҳамда хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик учун жавобгарлик белгиланган.

Бундан ташқари, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида ва Сенатида тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солиш, Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш, фаолият билан лицензиясиз шуғулланганлик учун жавобгарликни белгилаш, хўжалик судларининг қарорларини фуқароларнинг шикоятлари асосида назорат тартибида кўриб чиқишни белгиловчи хўжалик процессуал қонуни нормаларини такомиллаштиришга оид ва бошқа қонун лойиҳалари кўриб чиқилмоқда.

Шундай қилиб, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда давлатимиздаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг турли жабҳалари қамраб олинган. Бунинг сабаби — жамият ва давлатни демократлаштириш жараёни бир соҳа билан чегараланмасдан, кенг қамровли хусусиятга эгалигидадир. Бунда, демократлаштириш деганда, нафақат жавобгарлик чораларини енгиллаштиришни, бирор-бир жараённи соддалаштиришни, балки қонунчиликдаги камчиликларни бартараф этиш, уни замон талабларига мувофиқлаштиришни ҳам тушуниш керак.

Ҳамма бир нарсани англаши зарур: амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган барча ҳаракатлар инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, мамлакатимизнинг жаҳондаги обрўсини оширишга йўналтирилган бўлиб, фуқароларнинг Конституцияда кафолатланган ҳуқуқларининг сўзсиз таъминланишига олиб келади.

Рашитжон ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори.

■ ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР

«Менинг ютуғим — уларнинг шодлиги...»

«Гоҳида болалигим ўтган кунларни эслайман. Илк бор сумка кўтариб, мактабга шошилганимда, онам қанчалар хурсанд бўлганди. Ҳарф ўрганиб, улардан сўз туза бошлаганимда, отам мендан кўра кўпроқ қувонди. Институтга кирганимда, устозларим кўнгли фахрга тўлди. Демак, менинг ютуғим — уларнинг шодлиги. Энди фақат ўзим учунмас, балки яқинларим учун ҳам кўпроқ билим олишим, самаралироқ меҳнат қилишим керак».

Юқорида келтирган сўзларимиз машҳур шоир ёки файласуф асарларидан олинган кўчирма ёхуд ўзимиз тўқиган «жимжима»лар ҳам эмас. Бу сўзлар муаллифи Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти муҳандис-техника факультети нефть ва газ иши йўналиши бўйича 4-курс талабаси Лазизбек Абдуллаевдир.

«Ҳаёт бу...» Лазизбек олти йилдан буён шу китобни ёзиш устида ишлайди. Юқорида келтирилган кўчирма ҳам шу китобнинг қўлёзма нусхасидан олинган.

Лазизбек эса ота-онаси ва устозларининг умидини нафақат дилдан англади, балки уни оқлаш учун амалий ҳаракатларни бошлаб юборган. Айни пайтда у «Нефть ва газ ускунларида коррозия ингибиторларининг қўлланиши ва уларнинг самардорлиги» ҳамда «Нефть ва газ қудуқларини бурғулаш жараёнида ютилишлар ва уларнинг олдини олиш» мавзуларида илмий изланишлар олиб бормоқда. Замонавий технологияларни ишлатишни мукаммал эгаллагани учун «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази вилоят вакиллик бўлимининг ахборот технологиялари йўналишининг координатори вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда. Институтда аъло баҳоларга ўқишдан ташқари жамоат ишларида ҳам фаол қатнашади.

Хусусан, 2006 йили «Умид ниҳоллари» мактаб ўқувчилари спорт мусобақасига келган меҳмонларнинг шаҳар бўйлаб саёҳатини ташкиллаштиришда кўнгилли сифатида иштирок этганди. Ўтган йили Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ўтказилган олий ўқув юртларининг талабалари ўртасидаги «Барҳаёт анъаналар» фольклор республика фестивальтанловида институтнинг «Насаф навоси» жамоаси фахрли биринчи ўринни қўлга киритиб, махсус диплом билан тақдирланишида алоҳида жонбозлик кўрсатди.

Ана шундай тиниб-тинчимаслиги, тиришқоқлиги боис, 2006-2007 ўқув йилида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг, 2008-2009 ўқув йилида эса Беруний номидаги Давлат стипендиясини олишга муваффақ бўлди. Ҳозирги кунда электрон дарсликларни яратиш устида изланаяпти.

Беруний номидаги Давлат стипендиясига сазовор бўлганлиги унинг магистратура босқичига имтиёзли равишда имтиҳонсиз киришини таъминлайди.

Элбек ЖУМАНОВ

ДИЛ СЎЗИ

Ёшлик — умр баҳори

Ёшлик инсонга бир маротаба бериладиган бебаҳо неъматдир.

Мустақил фикрлайдиган, ўзининг ҳаётий эътиқод ва қарашларига эга бўлган ёшларгина Ўзбекистон истиқболини таъминлащдек эзгу мақсадлар йўлида тинмай меҳнат қилади, интеллектуал салоҳиятини ошириб боради.

Биз — дунёга қанчадан-қанча улуғ зотлар, мутафаккирлар ва азиз-авлиёларни берган буюк халқнинг фарзандларимиз. Нафақат турмуш тарзимизда, одоб-ахлоқимизда, балки ҳаётимизнинг барча жабҳаларида бой маънавиятимиз ва маданиятимизни азиз ва муқаддас деб билишимиз барчага аён.

Маънавият эса кенг тушунча бўлиб, у ўз ичига ҳалоллик, ростгўйлик, ватанпарварлик, саховат, софдиллик, камтарлик, вафодорлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик каби энг олижаноб хислатларни қамраб олади. Ҳамда беҳаёлик, андишасизлик, лоқайдлик, ахлоқсизликка нисбатан муросасиз бўлишга чақиради.

Аслида ҳам, инсонни улуғлайдиган, унга яхши ном, обрў берадиган нарса, биринчи навбатда унинг ташқи қиёфаси, яъни ҳусну жамоли эмас, балки маънан баркамол бўлишидир. Илм олиш, касб-ҳунар ўрганиш, ҳалол меҳнат қилиш — ёшлар фаолиятининг асоси. Аммо тан олиш керак, орамизда қимматли вақтларини бўлмағур ишларга сарфлайдиган, енгил-елпи йўллар билан пул топишга ўтиб олган ёшлар ҳам йўқ эмас. Кези келганда ҳатто яқинларидан бир оғиз ширин сўзларини дариғ тутишади, бир-бирларини алдаб, қўполлик қилишади. Тилёғламалик, иккиюзламачилик ахлоқий маданиятимизга зид нарсалардир.

Бир оғиз ширин сўз киши кўнглини кўтаради, одамга кучқувват бағишлайди, инсонларни бир-бирига боғлайди, катта ижодий фаолиятга ундайди. Ширинсуханлик — ахлоқий маданиятимизнинг муҳим кўринишларидан бири. Қўпол сўз киши дилини вайрон қилади, кайфиятини бузади. Улуғ мутафаккир Носир Хисрав:

Қарашга нораво
нарсага кўр бўл,
Тинглашга нолойиқ
гап-сўзга кар бўл, —

дейди.

Дарҳақиқат, атрофдагиларга меҳр кўзи билан боқиш киши қалбини олижаноб ҳиссиётлар билан мунаввар этади, киши руҳини тетиклаштиради. Умрини эзгу ишлар учун сафарбар этишга ундайди.

Мамлакатимизда ҳам бугунги кунда ёшларнинг илм олиши, ўз орзу ва мақсадларини рўёбга чиқариши, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетиши учун давлат аҳамияти даражасида ғамхўрлик қилинмоқда. 2008 йил "Ёшлар йили" Давлат дастурининг қабул қилиниши ҳам биз ёшларни ғоят тўлқинлантирди. Унда ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жуда кўпгина ишлар, хайрли тадбирлар амалга оширилиши белгиланган. Ўйлайманки, ёмон иллатлардан йироқ бўлсак, ширин сўз ва одобимиз илмимизга зеб бериб турса ва яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланса, биз ёшлар эртага, албатта, юрт равнақига ҳисса қўша оладиган муносиб фарзандлар бўлиб етишамиз.

Адҳам ИСМОИЛОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 3-босқич талабаси.

ФАОЛИЯТ

Шундай лаборатория бор, аммо...

Сир эмас, барча турдаги транспорт воситаларининг кўпайиб бориши ва қишлоқ хўжалик техникалари иш кўламининг тобора кенгайиши нефть маҳсулотларига бўлган талабни кескин оширади.

Хўш, нефтни қайта ишлаш корхоналари ҳамда нефть базалари ўз зиммаларига юкланган ва давр тақозоси билан тобора ортиб бораётган масъулиятни қай даражада ҳис этиб, фаолият юритишяпти? Давлат томонидан белгиланган қонуний нормативлар бузилишига йўл қўйилмаяптими? Мижозларга сотилаётган нефть маҳсулотларининг сифати жойидами? Тегишли меъёрномалар билан таъминланганми?

Ана шу ва бошқа айрим дахлдор вазифалар ечими билан шуғулланиш "Ўзнефтмаҳсулот" акциядорлик компаниясининг хўжалик ҳисобидаги Қўқон "Меъёр" лабораторияси фаолияти асосини ташкил қилади. Янаям очиқроқ айтадиган бўлсак, Давлат андозалари асосида нефть маҳсулотлари сифатини белгилаш, сертификатлаш, уларни сақлаш ва тарқатиш йўналишлари бўйича йўриқномалар тайёрлаб берамиз. Шунингдек, корхоналар фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, уларда ишлаши лозим бўлган мутахассисларнинг меъёрий миқдори, лавозими йўриқномаларини, ишлаб чиқариш цехларининг санитар-техник паспортларини тайёрлаш, иш жойларини меҳнат шароитлари бўйича шаҳодатлаш ва шунинг негизида компания тасарруфидаги корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонунлар устуворлигини қарор топтириш, ишловчиларни ижтимоий муҳофаза қилишни таъминловчи меъёрий ҳужжатларни ҳам Давлат андозаларига мос равишда тайёрлаб бериш бизнинг мутахассислар зиммасида. Лабораториямиз тегишли Давлат шаҳодатномасига эга бўлган саноқли лабораториялардан бири ҳисобланади.

Кейинги йилларда нефть маҳсулотлари, сифатини аниқлаб берадиган ва айрим қонунбузарлик ҳолатлари олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлган "Меъёр" марказий синов лабораториясининг нуфузи ошиб бориши жоиз.

Ҳозирги вақтда баъзан тайёр нефть маҳсулотларининг сифати талабга жавоб бермаслиги оқибатида автотранспорт воситаларининг тез ишдан чиқиши ва сифатсиз ёнилғидан ёнмай ҳавога ажралиб чиқаётган заҳарли газлар атмосфера ҳавосини ифлосланишига олиб келаяпти.

Маҳсулот сифати ва техник жиҳозлаш, хизмат кўрсатиш ва ишчи ходимларга иш шароитини яратиб бериш бўйича "UzGazOil" корхонасининг маҳсулоти бугунги кунда техник жиҳозлари ва юксак хизмат кўрсатиши билан замон талабларига жавоб бера олади. Бошқа айрим корхоналар ҳақида эса бундай илиқ фикрларни билдиришимиз қийин.

Қолаверса, нефть маҳсулотлари зичлигини ҳозирда бизда қўлланилаётган ареометрлар билан ўлчаш самараси қониқарли деб бўлмайди.

Бу муаммоларни бартараф этиш учун мазкур лабораторияни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мустаҳкамлаш ва кенгайтириб бориш, замонавий жаҳон стандартларига мос янги технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш талаб этилади.

Шунингдек, "Меъёр" марказий синов лабораторияси мутахассисларига чет эллардаги етакчи нефть фирмалари (мисол учун Россиянинг "Лукойл" нефть компанияси) иш тажрибаларини ўрганиб келиш имконини яратиш ва лабораторияни энг зарур илмий-техник адабиётлар ҳамда норматив ҳужжатлар билан узлуксиз таъминлаб боришни йўлга қўйиш зарур. Юқори идоралар бу нарсага эътибор қаратишади, деган умиддамиз.

Ўйлаймизки, ана шунда ёнилғи маҳсулотларидан атроф-муҳитга чиқаётган заҳарли газлар нисбатан камаяди, эл-юрт равнақи йўлидаги фаолиятимиз янада юришиб кетади.

Бегмат БОБОЕВ,
"Ўзнефтмаҳсулот" акциядорлик компаниясининг хўжалик ҳисобидаги Қўқон "Меъёр" марказий синов лабораторияси директори. ®

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида

Акциядорлик-тижорат

«ПАХТА БАНК»

мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча аҳоли учун ўзининг йиллик фоиз ставкаси 30 фоизгача бўлган

миллий валютадаги

"Яхши ният",
"Эгасининг номи кўрсатилмаган",
"Умид ниҳоллари"

омонат турларини таклиф этади.

ШУ БИЛАН БИРГА

чет эл валютасидаги

янги **"Юлдуз"** омонат турини таклиф этади.

Мазкур омонатларга пул маблағлари 12 ойгача муддатга қабул қилинади.

Уларга қуйидагича миллий валюта — сўмда Марказий банкнинг тўлов кунидаги курси бўйича ҳақ тўланади:

— **АҚШ долларида** қабул қилинган маблағларга — **йиллик 15 фоиз;**

— **Еврода** қабул қилинган маблағларга — **йиллик 10 фоиз;**

Бошланғич бадали 500 АҚШ доллари ҳамда 500 Евро ни ташкил этади.

УНУТМАНГ,
Сизнинг омонатга қўйган пул маблағларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади!

"Пахта банк" омонатларига қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сири ҳисобланади.

«ПАХТА БАНК» фаровонлигингиз калитидир!

Қўшимча маълумот учун (8.371) 150-85-27, 150-53-65 телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

ТААССУФ

Чўзинчоқ иш

Самарқанд шаҳар Зебунисо кўчаси 6-уйда яшовчи тадбиркор Хадича Раҳматова мана олти йилдирки судма-суд чопади. Сабаб не? Келинг, аввало, Х.Раҳматова таҳририятга йўллаган шикоят хати билан танишайлик:

«Мен бир неча йилдан буён айрим судьяларнинг адолатсизлигию шаҳар ҳокимининг чиқарган қарори туфайли сарсон-саргардон бўлиб юрибман. 2001 йил 18 январь куни Самарқанд шаҳар «Гулистон» масъулияти чекланган жамияти ҳисобида бўлган 14-сонли дўконни 1 миллион 950 минг сўмга сотиб олдим ва менга бу дўконга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи 09-сонли давлат ордери берилган. Хусусий дўкон биносининг ёнғинга қарши курашиш меъёрларига мувофиқ учта кириш-чиқиш эшиги мавжуд. Аммо М.Турсунов ва Ё.Саматовлар ўзбошимчалик билан менинг дўконим деворига тақаган ҳолда иккита савдо дўкончасини қуриб, фаолият кўрсатишимга халақит бериб келмоқда. Улар дўконимнинг битта эшигини беркитиб ташлаб, йўловчилар юрадиган фасад қисми кўринишини бузиб, ҳеч бир ҳужжатсиз савдо дўконлари қуриб олганликларидан норози бўлиб шаҳар ҳокимиятига ёзганларим фойда бермади. Шундан сўнг Фуқаролик судига мурожат қилишга мажбур бўлдим.

Ўзбошимча қурилган савдо дўконларини бузиб ташлаш ва шаҳар ҳокимининг 2002 йил 6 ноябрдаги 555-сонли қарорини бекор қилиш ҳақидаги мурожаатларим натижа бермади. Ўтган йиллар давомида, адашмасам, ўн маротаба шу иш юзасидан суд бўлиб ўтди. Мени хайрон қолдирадиган томони шундаки, биринчи суд менинг фойдамга қарор чиқарса, бошқаси жавобгарларнинг манфаатини кўзлаб қарор ёки ажрим чиқариб беради. Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига ёзган шикоятимга "Судлар томонидан қонуний қарор қабул қилинган" деган жавоб олгач, Олий судга мурожаат қилдим. Олий суд томонидан назорат тартибида протест киритилиб, унда барча суд қарорлари ва ажримлари бекор қилиниб, янгитдан биринчи босқичда кўриш учун иш яна вилоят судига жўнатилди. Лекин фуқаролик ишлари бўйича вилоят ва шаҳар судидаги судьялар ўз айбларини ёпиш мақсадида аввалги ҳолатни яна такрорлаб қарор чиқардилар. Энг қизиғи, судлар шаҳар ҳокимининг қарорини асос қилиб олмоқда. Шу тарика, Олий суд протестида кўрсатилган қонунбузилишлар бартараф этилмай қолиб кетмоқда...»

Тадбиркор Хадича Раҳматова, ўзи ёзганидек, хусусий дўконини тегишли ҳужжатлар асосида расмийлаштиради ва Самарқанд шаҳар Гагарин кўчаси 57-уйнинг биринчи қаватида фаолият юритиб келарди. Кутилмаганда, Самарқанд шаҳар Темирйўл туманлараро фуқаролик судига бир гуруҳ фуқароларнинг даъво аризаси келиб тушади. Унда илгари Х.Раҳматова билан бирга ишлаган ходимлар унинг номига берилган 09-сонли ордерни бекор қилиш ва 2 миллион сўм миқдорда моддий ва маънавий зарарни ундиришни сўралган эди...

Фуқаролик ишлари бўйича собиқ Темирйўл туманлараро суди жавобгар Х.Раҳматовага берилган Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Самарқанд вилоят бошқармасининг 09-сонли ордерини қонуний деб топади. Шундан сўнг Х.Раҳматова савдо дўконининг фасад қисмида қурилган иккита дўкончани буздириб ташлаш ва шаҳар ҳокимининг юқорида тилга олинган 555-сонли қарорини бекор қилиш учун судга мурожаат этади. Сиртдан қабул қилинган қарорда даъво рад этилади.

Қолган гаплар таҳририятга йўлланган хатда умумлаштириб айтилган. Айтмоқчи бўлаётган мулоҳазамиз шундаки, адолат ким томонида бўлса, ким ҳақ бўлса ҳам қатъий тўхтамга келиниши зарур эмасми? Судлашувлар аччиқ ичакдай чўзилиб кетган бу ишда бир ажабланарли ва, ўйлашимизча, эътиборли ҳолат бор: Олий суд томонидан кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмай, янги суд жараёнларида аввалги қарорлар такрорланаётгани бу ишга нуқта қўйиш учун афсуски, 6 йил етарли бўлмаганидан далолат беради.

Убайдулла ХЎЖАНИЁЗОВ,
«Ҳуррият» мухбири.

ИМКОНИЯТ

Уй шароитида меҳнат қилишади

Касаначиликни ривожлантириш соҳасида Қарши туманида эътиборли ишлар амалга оширилмоқда. Касаначилар уй-рўзғор ишларидан ажралмаган ҳолда гилам тўқиш, каштачилик, дурадгорлик, қандолатпазлик ва бошқа юмушлар билан машғул бўлаяптилар.

"Бешкент пахта тозалаш" очиқ ҳиссадорлик жамияти ҳисобидан 40 киши ўз хонадонида маҳсулот ишлаб чиқариб, корхонага топширмоқда. Улар ишлаб чиқарган маҳсулотлари учун ўз вақтида иш ҳақини олаяптилар. Топширилган ишнинг ўз вақтида бажарилиши корхона учун ҳам, касаначилар учун ҳам қулай имконият яратмоқда.

"Қаршиёғэкстракция" очиқ ҳиссадорлик жамияти қошида эса 10 та оила касаначилик билан шуғулланмоқда. Қарши асосий канали 7 та оила билан, "Юлдузчевар", "Муштарий", "Дилшода" хусусий корхоналари 20 та оила билан шу йўсинда ҳамкорлик ўрнатган.

"Дилшода" хусусий корхонаси раҳбари Малика Очиловнинг айтишича, корхона асосан уйда ўтириб ишлайдиган хотин-қизлар билан ҳамкорликда иш олиб боради. Аҳолининг эҳтиёжини ҳисобга олиб, касаначиларга буюртмалар беради. Бунинг ҳисобига касаначилар ҳам, корхона ҳам мумайгина даромад олаяпти. Уй бекалари асосан тикиш-бичиш бўйича иш олиб боришяпти.

Қарши тумани касаначилари шу йилнинг тўрт ойи давомида 50 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариб буюртмачиларга жўнатди.

Пўлат ГАДОЕВ,
«Ҳуррият» мухбири.

Мен ўз ҳаётим, иш фаолиятим давомида маънавий жасорат соҳиби бўлган, ҳар томонлама етук шахслар билан мулоқотда бўлганим, замондош бўлиб яшаганимдан доимо фахрланиб юраман.

Ана шундай ватандошларимиздан бири машҳур археолог олим, академик Яҳё Ғуломов эди.

Ўз даврининг фидойи алломаси бўлган бу инсонни мен яхши билардим. У ўзининг мустақил фикрига эга, керак бўлса, юқори лавозим эгаларига ёқмайдиган тўғри гапларни ҳам дадил айта оладиган улкан олим эди.

Тарихчилар яхши билади, одатда тепаликлар қаърида тарихий обидалар, бутун бир шаҳар қолдиқлари ястанган бўлади. Шўро даврида, фақат томлардагина пахта экилмай қолган бир пайтда ана шундай қадимий тепаликларни ҳам текислаб, пахта даласига айлантиришдек бемаъни сиёсат авж олган эди. Бундай номаъқул ишга жасур олим Яҳё Ғуломов қарши чиққанини мен яхши эслайман. Унинг ана шу фазилати туфайли тазйиқ кўрганини ҳам эшитганман. Лекин бу инсон ўзининг қалбидаги маънавий жасорат ҳисси туфайли ҳаётий ва илмий қарашларида собит турганини маданий жамоатчилигимиз яхши билади.

Ислом КАРИМОВ

Яҳё Ғуломов академияси

Ҳар бир тепалик, ҳар бир кумлик бизнинг битмас-туганмас хазинамиз. Аждодларимиз тарихининг олтин саҳифалари. Уларнинг қат-қатида неча-неча асрларнинг ҳикоятларию ривоятлари, аждодларимиз битган нодир китоблар, илм-фан ва маданият равнақига хизмат қилган буюк кашфиётлар — ҳамма-ҳаммаси бизга мунтазир бўлиб турибди. Уларни қидириб топиш, ўрганиш, илмий тадқиқ этиш ишига биринчилардан бўлиб киришган қадимшунос олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Яҳё Ғуломов бундан салкам олтмиш йил муқаддам Бухоронинг Қизилқум этакларига туташ ерларида илк археологик илмий экспедиция ташкил этиб, катта муваффақиятларга эришганлигини эҳтиром ила эътироф этиш мумкин. Бу борадаги изланишларни изчил давом эттиришга Мустақиллик барча имконият эшикларини кенг очиб берганлигини ғурурланиб айтгим келади.

I

Яҳё Ғуломов аъло баҳоларда ўқиб, мактабни битиргандан сўнг Самарқандга йўл олди. У ўзбек давлат педагогика академиясининг ижтимоий-иқтисодий бўлимига қабул қилинди. Академияда Абдурауф Фитрат, Бўлат Солиев, Мусо Саиджонов, Василий Вяткин сингари машҳур олимлар сабоқ берарди. Бўлат Солиев араб, форс, рус ва туркий тилларни яхши биларди. Шарқ фалсафаси ва тарихининг билимдони ҳам эди.

Яҳё Ғуломов Вяткиннинг ҳар бир маърузасини берилиб тингларди. Унинг тарихни ўрганишга бўлган қизиқишини Вяткин ҳар жиҳатдан рағбатлантиришга ҳаракат қилди. Ўзи билан Афросиёбга олиб чиқди. Мақсад — Яҳёни нафақат тарихчи, балки қадимшунослик бўйича ҳам билагон мутахассис қилиб тайёрлаш эди.

Яҳё Ғуломов ёзган мақолалар унинг аспирантлик давридаёқ тилга тушди. Бу даврга келиб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва илмий ўрганиш республика қўмитаси тузилди. Қўмитага Яҳё Ғуломов илмий котиб қилиб тайинланди. Нодир меъморчилик обидаларини сақлаш ва ўрганиш учун тадқиқотлар олиб бориш зарур эди. Яҳё Ғуломовнинг бир оёғи Самарқанду Бухорода, бир оёғи Хива, Шаҳрисабз, Термизу Тошкентда бўларди. Дала шароитида қадимшунослик қидирув ишларини ташкил этиш, топилмалар устида дастлабки илмий тадқиқотлар ўтказиш бўйича у яхшигина тажриба орттирди. Машҳур тарихшунос олим А.Якубовский билан танишиб, тез-тез фикр алмашиб турди. Бу Яҳё Ғуломов учун ҳам, Якубовский учун ҳам янги тадқиқотларга қанот бўлди.

II

1936 йилда Яҳё Ғуломов Хоразмда ўзининг биринчи мустақил қадимшунослик тадқиқотини бошлади. У воҳанинг қадимги суғориш тармоқлари тарихи билан қизикди. Москвадаги қадимшунос дўсти С.Толстовга хат ёзиб, бирга ишлашга таклиф қилди. Улар Тўрткўл ва Беруний-нинг Амударёга ёндош ерларида иш бошладилар.

VII-VIII асрларга таалуқли бўлган Тешик қалъада олиб борилган тадқиқотлар самарали бўлди. Мис ва кумуш тангалар, рўзғор анжомлари, бинокорлик ускуналари, мева данакларию кийим-кечак қолдиқлари топилди. Шу тариқа Хоразмнинг илк ўрта асрлар давридаги ҳаёт тарзи ўрганилди. Бу Яҳё Ғуломовни Хоразм қадимшунослигини янада кенгроқ, янада теранроқ ўрганишга ундади. «Хива ва унинг ёдгорликлари» мавзусидаги номзодлик диссертацияси ҳимоя қилингач, олимнинг илмий изланишлари оқими янада тезлашди. Олим Амударё этакларида сунъий суғоришнинг вужудга келиш ва ривожланиш жараёнлари тарихини ўрганишга астойдил киришди. Интилишлари зое кетмади. Хоразмнинг 4-4,5 минг йиллик ижтимоий-иқтисодий тараққиётига бағишланган йирик илмий тадқиқот иши юзага келди. Бу салмоқли иш докторлик диссертациясининг асосини ташкил этди. Диссертация 1950 йили ҳимоя қилиниб, юқори баҳоланди. Бу пайтда С.Толстовнинг «Қадимги Хоразм» номли машҳур асари яратилган бўлса, Яҳё Ғуломовнинг «Хоразмнинг суғорилиш тарихи» асари дунёга келди. Ўзбек ва рус тилларида нашр этилди. Қадимшуносликнинг бой манбаларига таянган бу асарда Хоразмнинг 3,5 минг йиллик ортиқроқ даврини қамраган суғорилиш тарихи батафсил тақдим этилди. Академик Б.Пиотровский мазкур илмий тадқиқотнинг қиммати ва тарихий аҳамияти ҳақида тўхталиб, Яҳё Ғуломовнинг мазкур иши ниҳоятда буюкдир, деб ёзади.

Бу Яҳё Ғуломовнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди. Энди у Бухоро, Тошкент, Фарғона томонларга дадил қадам қўя бошлади. Бу ҳудудларнинг қадимги моддий маданиятини ўрганишда Хоразмда орттирган бой тажрибаси қўл келди.

Ўша йиллари пахта экиладиган майдонларни кенгайтириш авж олганди. Тепаликлар текисланиб, экин ерига қўшила бошланди. Уларнинг осори атиқалар эканлигини билмадилар ёки билмасликка олдилар. Чунки пахта ҳаммасидан муҳим бўлди. Буни қадимшунослар яхши англаб етдилар. Шу боис қаттиқ қайғурдилар. Ҳар бир осори атиқанинг йўқолиши Яҳё Ғуломовнинг қалбини ларзага солди: «Тепаликларга тегмаслик керак!» Яҳё Ғуломов дилидан тилига кўчган ҳайқириқ ана шундай бўлди. Ҳамма жойга бонг урди. Масала юқорида кўриб чиқилди. Ва пайсалга солинмай, Ўзбекистонда тарихий ва моддий маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти ташкил этилди. Мавжуд тарихий ва маданий ёдгорликларни асраш, рўйхатга олиш ва илмий ўрганиш бўйича қатор-қатор қарорлар қабул қилинди. Бу, шубҳасизки, қадимшуносларга қанот бўлди. Қуваю Ахсикатда, Самарқандни-нинг Афросиёбию Қаршининг Ерқўрғонида, Сурхондарёнинг Кўҳна Термизию Тошкентнинг қадимги Қанқасида қадимшунослар енг шимариб, тарихимизнинг тупроқ ичра ётган ноёб дурдоналари томон юрдилар.

III

Яҳё Ғуломов диёнатли, ҳалол, иродаси мустаҳкам, талабчан ва қаттиққўл инсон эди. Ҳар бир касбдошида, ҳар бир шогирдида ана шундай хислат ва фазилатларни кўришни истарди. Ўзи Ўзбекистонда биринчи қадимшунос олим бўлганлиги учун бутун меҳрини шогирдларига берди. Ёш тарихчилар М.Қосимов, Х.Насриддинов, У.Исломов, А.Муҳаммаджонов, А.Асқаров, С.Раҳимов, Т.Мирсоатов, Р.Сулаймонов сингари кўплаб шогирдларининг қўлларидан тутиб, Москвага олиб борди. Уларни атоқли қадимшунос олимлар — А.Окладников, П.Борисовский, М.Герасимов, М.Грязновга таништириб, оталиқ қиласизлар, деди. Ўзи ҳам шогирдларидан тез-тез хабар олиб, йўл-йўриқ кўрсатиб турди. Шогирдлар ҳам устозга муносиб бўлиб ишончни оқлашга интилдилар. Бирин-кетин фан номзоди бўлдилар, бирин-кетин фан доктори бўлдилар. Ўткир Исломов, Абдулаҳад Муҳаммаджонов, Аҳмадали Асқаровлар академик бўлдилар. Ҳаммалари ҳам устоз изидан бордилар.

Мирсодиқ Исҳоқов ҳам Яҳё Ғуломовнинг ҳимматларидан кўпдан-кўп баҳраманд бўлди. Ҳозирги Санкт-Петербургдан олим бўлиб қайтди. Ўрта Осиёда ягона сўғдшунос бўлиб етишди.

Афсуски, қадимшунослик фанининг Ўзбекистондаги биринчи доктори, биринчи профессори, биринчи академиги Яҳё Ғуломов ана шундай шогирдлардан кўпларининг камолини кўролмади.

—"Чиндан-да шундай", — дейди садоқатли шогирдларидан бири Ўткир Исломов. — Худди кечагидек ёдимда. Қизилқумдаги қазув ишларимиз қизғин давом этарди. Кечга яқин ишчиларимиздан биринг белкураги жуда ноёб топилмадан белги бериб қолди. Эҳтиёткорлик билан ковлаб, топилманинг атрофини очдик. Авайлаб, ташқарига олиб чиқдик. Саккизинчи асрга оид топилмалар ноёб эди. Кўрганларнинг бари ҳайратга тушди. Ўша заҳотиёқ биздан анча олисда бўлган домламиз Яҳё Ғуломовга хабар бердик. Тезгина етиб келган устозимиз машаққатли меҳнатимиз самарасини кўриб, севиниб кетдилар. Ҳаммамизни қўлимизни сиқиб, табрикладилар. Бизга ошга олов ёқишни буюриб, ўзлари ўтовга кириб кетдилар. Биз қувона-қувона ош ҳаракатига тушдик. Ишимиз бироз енгиллашгач, мен чой дамлаб ичкарига кирдим. Домламизнинг ёнбош тушиб, қора уй шифтига тикилганча чуқур ўйга чўмганларини кўриб, ҳайрон бўлдим. Мен домладан ҳол сўрадим. «Худога шукур, яхшиман», — дедилар у киши. «Ҳали жуда мамнун эдингиз. Ҳозир эса ҳафа кўринасиз», — дедим устозга чой узатиб. У киши ўрнидан туриб, чойни олар экан, хўрсиниб-хўрсиниб қўйдилар. Жавоб кутаётганимни сезиб, менга қараб-қараб қўйдилар. «Биласанми, — дедилар чойдан бир хўплаб олиб, — Толстовнинг ҳам, Якубовскийнинг ҳам, Орбели билан Струвенинг ҳам ишларини давом эттирадиган, керак бўлса дунёга достон қиладиган зўр шогирдлари бор. Улар бошлаган тадқиқотлар тўхтаб қолмайди. Номлари унутилиб кетмайди. Бизда эса қадимшуносликка эндигина қадам қўйилаяпти. Бунинг устига сизлар ҳали ёшсизлар. Кўриб турибсизларки, ишимиз осонликча бўлаётгани йўқ. Қийинчилик кўп. Тўсиқлар кўп. Уларни енгишнинг ўзи бўлмайди. Курашмоқ керак. Курашмоқ учун жасорат керак, жасорат...

— Устозимиз жуда-жуда жонкуяр эдилар, — дея ҳикоя қилади академик Абдулаҳад Муҳаммаджонов. — Ўзлари билганларини шогирдларидан аямас, сабоқ беришда ва илм ўргатишда ҳам бениҳоя сахий эдилар. Бирор бир ишни, бирор бир масалани пайсалга солмасдилар. Ёзма ишларимизни тезгина ўқиб чиқиб, қимматли маслаҳатлар бериб, «Янгилик бўлиши керак, янгилик», дердилар. У кишининг суҳбатларини бир эшитган одам яна бир эшитиш орзусида юрарди. Устоз тарих бўладими, қадимшунослик бўладими — илмий асосли фикрлар ёрдамида, мароқ билан сўзлардилар. Ҳар бир суҳбат бир асар ўқиш билан баробар эди. У киши бениҳоя вазмин ва мулоҳазали бўлишларига қарамай, юракдаги гапни шартта айтардилар. Аммо буни ҳамма ҳам тушунавермас, ҳамма ҳам тўғри қабул қилавермасди... Энг муҳими, Яҳё Ғуломов раҳбарлигида Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Сурхондарё, Қарши, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида олиб борилган изчил тадқиқотлар натижасида тош даврининг турли босқичларига мансуб бўлган Кўлбулоқ, Обираҳмат, Обишир каби кўплаб ёдгорликларда ибтидоий одамзод манзилгоҳлари топилди. Қизил, Олмасой, Кавобий ва Қапчиғойда чақмоқтош қуроллар ясаш устахоналари, Учтутда эса жаҳонда энг нодир бўлган неолит даврига оид кончилик шахталари сингари ўта ноёб осори атиқалар кашф этилди. Ўтроқ деҳқончилик маданиятининг шаклланиши ва тараққиёти милоддан аввалги икки минг йилликда бошланиб, суғорма деҳқончилик қарийб тўрт минг йиллик тарихга эга эканлиги илмий жиҳатдан асосланди. Айниқса, у кишининг «Ўзбекистон халқлари тарихи» ва «Ўзбекистон тарихи» кўп жилдли китобларини ёзиш ҳамда нашрга тайёрлашдаги машаққатли меҳнатининг ўзи буюк бир достондир...

IV

Яҳё Ғуломов Бухоро воҳаси тарихининг неолит ва бронза даври маданиятини мавжуд тажрибалар ҳамда янги усул ва услублар асосида чуқур ўрганишга киришган шогирдлари Аҳмадали Асқаров билан Ўткир Исломов изланишларини бир фурсат ҳам назаридан қолдирмади. Ҳар бир таҳлил, ҳар бир муҳокама ва қабул қилинган тўғри қарор минтақада олиб борилган беш йиллик тинимсиз меҳнат натижаларида бўй-басти ила кўринди. Неолит ва бронза даври одамларининг турмуш тарзи, касб-кори, деҳқончилик ва чорвачилик маданияти «Замонбобо маданияти» номи билан тарихга кирди. Замонбобо кўли, Моҳондарё, Гурдуш, Бужайли дарёларининг қадимги ўзанлари кашф этилди. Меҳнат куроллари, асбоб-ускуналар, зебу зийнатлар, қимматбаҳо тошлар, олтин ва кумуш тақинчоқлар топилди. Воҳанинг қадимги аждодларимиз томонидан қачондан бошлаб ўзлаштирилганлиги, этномаданий қиёфаси, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даврлари аниқланди. Замонбобо маданияти милоддан олдинги иккинчи минг йилликнинг бошларига оид эканлиги илмий исботлаб берилди. Ҳеч шубҳасизки, Яҳё Ғуломов раҳбарлигида олиб борилган бу каби тадқиқотлар ҳақиқий тарихимиз илдизларини топиш йўлида қўйилган илк қадамлардан эди. Афсуски, ўша даврда қадимшунослик фанининг бундай ютуқларига панжа орасидан қаралди. Унинг давлатчилигимиз тарихидаги аҳамияти беқиёс эканлигига эътибор берилмади. Чунки бу шўролар ҳукумати сиёсатига тўғри келмас эди. Шунинг учун ҳам тарихимизни сохталаштиришга уриниб келинди. Аммо Яҳё Ғуломов синдги фидойи ва довюрак қадимшунос олимларнинг ўз юрти тарихига бўлган фарзандлик муҳаббатию ҳурмати ҳақиқат изларининг кўмилиб кетишига йўл қўймади.

V

Домла ўзининг чуқур билими, тажрибаси, маънавий қудрати билан ҳар қандай қийинчиликдан кўрқмайдиган, адолатнинг кўзига тик қарай оладиган, олимликни қисмат деб билган олижаноб шогирдлар академиясини яратган устоздир. Илм-маърифатдан, ҳалол меҳнату фидойиликдан, эл-парварлигу юртпарварликдан қадр топган улуғ инсон, буюк аллома. Ундан мерос қолган бой тарихий ва археологик илмий асарлар, нодир манбалару амалий иш усул ва услублари, тадқиқотда янгиликка эришиш сингари қатор-қатор фазилатлар шогирдлар илмий фаолиятининг бош мақсадига айланганлиги уларнинг янги-янги кашфиётларида ярқираб кўринмоқда. Айниқса, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Шаҳрисабз, Термиз ва Марғилон каби шаҳарларнинг дунё цивилизациясида оламшумул аҳамиятга моликлиги халқаро ҳамжамият томонидан юксак даражада эътироф этилишида Яҳё Ғуломов шогирдларининг ҳам муносиб ҳиссалари борлигини таъкидламоқ ўринлидир.

Бундан ўттиз саккиз йил муқаддам Тарих ва археология институти негизида Самарқандда ташкил этилган Яҳё Ғуломов номидаги Археология институти ўтган давр мобайнида айнан А.Асқаров, Ў.Исломов, Т.Ширинов, Р.Сулаймонов сингари кўплаб шогирдларнинг жонкуярлиги билан том маънодаги илмий марказ номига эга бўлди. Эндиликда бу ерда дунёнинг йирик мамлакатлари билан илмий ҳамкорлик ўрнатилиб, фундаментал тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Ўн йилдан буён мунтазам ўтказилиб келинаётган Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» анъанавий республика илмий семинари Ўзбекистон тарихини миллий истиқлол ғояси нуқтаи назаридан ўрганиш, янги-янги қирраларини тадқиқ этиш имконини бермоқда. Бу жараёнда қатор-қатор иқтидорли ёшлар кашф этилмоқда. Уларнинг устоз Яҳё Ғуломов анъаналарини, илмий тадқиқот ишларини изчил давом эттириб, мамлакатимиздаги 7500 дан ортиқ археологик ёдгорликларни муфассал ўрганишларига ва ҳақиқий тарихимизни дунёга достон қилиб, ўзларини буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари эканликларини амалда намойиш этишларига аллома руҳи ҳамиша мададкор бўлсин деймиз.

VI

Яҳё Ғуломов Қизилқумнинг кўз илғамас уфқларини, баҳорий гўзаллигию бағрикенглигини, эркалиги-ю, инжиқлигини, салқин шамолларию изғиринларини, қумликларию тошлоқларини юрак-юракдан севди. Уларга олимона нигоҳ билан боқди. Олимона меҳр билан сўзлашди. Қалбига қулоқ тутди. Гоҳ севиниб, гоҳ ҳайратланди. Гоҳ куюниб, гоҳ ажабланди. Сиру синоатларини синчковлик билан ўрганди.

У қадим юртимизнинг қадим санъатини, қадим қўшиқларию қадим куйларини, халқ оҳангларини-да юрак-юракдан севди, ардоқлади. Ва албатта, ҳамиша эл-юрт қувончи, ташвиши, дарди билан яшади. Элини ҳам, юртини ҳам ҳамма нарсадан ортиқ севди.

Бугун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, машҳур тарихчи-археолог олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Яҳё Ғуломов ҳаёт бўлганида ропа-роса юз ёш билан юзлашган бўларди.

Нуриддин ОЧИЛОВ

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

Асосий суҳбат ҳали олдинда

ёки йўл бошидагилар

Шаҳар шовқини чекиниб, навниҳол тераклар енгил чайқалаётган яшил майдонлар оралаб "Агросаховат" агрофирмасига кириб борганимизда, Бухоро офтобида куйган, жиддий қиёфали, барваста киши мени қаршилаб, вазминлик билан деди:

— Синглим, агрофирмамиз ҳали жудаям ёш. Пичоққа илинадиган тузукроқ ишларимиз ҳам йўқ. Насиб қилса, икки-уч қовун пишиғидан кейин ишларимиздан сўзлаб беришга ваъда бераман.

— Яхши, — дедим мен ҳам бу самимий сўзларга жавобан. — Асосий суҳбатни ўшанда қиламиз. Ҳозир эса бўлажак суҳбатимиз учун режа тузиб қўйсак. Ахир сизлар ҳам «бизнес режа» билан ишлайсизларку, — дедим қоғоз қаламларимни олиб.

— Э, йўқ, сизларни биламан. Пашшадан фил ясашни яхши кўрасизлар, — деди раҳбар жилмайишга уриниб. — Менимча борини ёзган маъқул. Ўқиб қоламан, баъзи мақолалардаги қаҳрамонлар шиширилиб, пуфакка айлантириб қўйилади. Ҳайрон қоламан. Қайтага ютуқлари, бор камчиликлари, озми-кўпми хатоларига иқрорлари билан ёзилса, ўқишли бўлади, газетхон ундан ниманидир олади, — раҳбар "Нима дейсиз?", деган маънода менга қаради.

— Сиз ҳақсиз... Кечирасиз, Сиз...

— Абдуфармон Абдураҳмонов, — деди суҳбатдошим ўзини таништириб.

— Раҳмат, Абдуфармон ака. Саволингизга кучим етса, бироз кейинроқ жавоб берсам бўладими? — дедим ён дафтаримга унинг исм-шарифини ёзарканман.

— Мендан баттар қайсарга ўхшайсиз, — дея раҳбар мени ишхонаси томон бошлади.

Шинамгина идоранинг бир томонига китоблар, Қомус ва турли қўлланмалар терилган жавон қўйилган. Ўртада юмшоқ жиҳозлар, бир чеккада компьютер ва бошқа техник воситалар тўла катта стол турибди.

— Ҳали айтганимдай йўл бошидамиз, синглим. Йўл бошидагилар одатда жим турадилар. Кўнгилда ишонч, муҳими, тоза юрак билан туришни хуш кўрадилар. Камина ҳам шундайларга ўхшашга уринади. Инсон учун тоза юрак мисоли светофордай гап экан. Қачон ва қаерда жаддалашни, қаерда сезгирликни оширишни сизга айтиб тургандай бўлади. Баъзан ўзимни тўқнашув ва жумбоқлар ичида қолгандай ҳис қилсам, демак, қайси жойдадир хатога йўл қўйдим, дея камчиликни аввало ўзимдан қидираман. Ўзни дарҳол ўнглаб олишга тиришаман.

Мен индамай эшитиб турибман. Диктафонни оҳиста ёқиб қўймаганимдан ўкинаман. Хотирам кучини маҳкамроқ тутишга уриниб сўрадим:

— Оқ кўнгилни рамзий маънода светофорга қиёслаганингиз бежиз эмас. Сезиб турибман, сиз кўнгил одамисиз. Янглишмасам, иқтисодчисиз. Бунинг устига қишлоқ хўжалигининг йирик агрофирмасига раҳбарсиз. Аниқ ва қатъий, анчайин жиддий соҳа бошини тутган кишига кўнгил одами бўлиш қийин эмасми?

— Шоҳ ҳам кўнгил одами, гадо ҳам. Муҳими, меъёр деган яхши тизгин бор. Тўғри эшитибсиз, агрофирмамизга жами 264 та таъсисчи ихтиёрий аъзо бўлиб кирган. Фермер хўжаликлари, уларга сервис, консальтинг (бухгалтерия ҳужжатларини юритиш) хизматларини кўрсатувчи идоралар, агроном маслаҳатлари, сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, муқобил машина трактор парклари шулар жумласидандир.

Биз асосан, фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қиламиз, сақлаймиз. Маҳсулотларни истеъмолчиларга, хусусан, маориф, соғлиқни сақлаш сингари муассасаларга сотамиз. Унинг маълум қисмини мўъжазгина қайта ишлаш цехимизда шарбат, қиём сингари консерва маҳсулотларига айлантирамиз.



Бироқ асосий вазифаларимиз шулар билан чекланиб қолмайди. Табиийки, "арава"-ни бирга тортгандан кейин унинг энг кичик эҳтиёт қисмларига қадар масъулмиз. Уларга, яъни фермер хўжаликларининг бирортасига етган зарар талафотидан бутун бошли агрофирмамиз оқсаши мумкин. Шунинг учун фермер хўжаликларига техник, моддий, маънавий, ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга имконимиз етганча ҳаракат қилиш, жонбозлик кўрсатиш бизнинг вазифаларимиздан.

— Айтишгагина осон, бу вазифаларни неча фоиз уддалашга эришаяпсизлар?

— Буни мен холис айтолмасман. Шундай бўлса ҳам, 60 фоизга яқин, ундан ортиқ эмас, дея оламан. Энди тўғрисини тан олмоқ лозим, шу меҳнатимиз ҳам вилоятимиз Ҳокимининг кўмаги билан унаяпти. Ҳокимнинг ўзи ҳамма ишларимизга кўмак бермоқда.

Ечимини кутаётган масалалар жуда кўп. Биринчи навбатда янги технологияни ишлаб чиқаришга жорий этишимиз лозим. Яқинда унга илк қадамлар қўйилди. Австриянинг йирик компанияси билан шартнома имзоланди. Мини цехимизга 160 млн. сўмлик янги технологияни ўрнатсак, 8 соатда 4 тонна шарбат ишлаб чиқариш имконига эга бўламиз.

Деҳқон фермер хўжаликларимизнинг жами 200 гектар боғ майдонлари бор. Аксариятида узумнинг бугун талаб кам "тойфи" нави ўсади. Ана шу боғларимизни бошқатдан янгилашимиз даркор. Жаҳон бозорларида савдоси чаққон меваларни, айтайлик, гилоснинг "бычий глаз", ҳусайни узумнинг "келин бармоқ" деган навларини ундириш пайти келганини замоннинг ўзи айтиб турибди.

— Бизнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларимиз дунё бозорларида қандай баҳоланади?

— Ўзбекистон тупроғида униб-ўсган мева-сабзавотлар жаҳон бозорида жуда юқори баҳоланади. Мазасининг ширинлиги, дармондорилари миқдорининг баландлиги жиҳатидан меваларимиз жуда машҳур. Олтиариқнинг эртапишар бодринг нави, шунингдек, узумнинг "келин бармоқ" навларининг 80 фоизи бугун четга экспорт қилинаяпти.

Аммо ҳозир ҳеч кимга сир эмас, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қадоқлаш, ташқи томонига безак бериш ишларига келганда, оқсаймиз. Шуни эътиборда тутиб, кичик цехимиз учун қадоқлаш ускуналарини олиб келиш режамизда бор. Хуллас, нимаики қилмайлик, бор кучимиз юқори даромад олишга қаратилган.

— Ҳозир ҳамма ҳам юқори ҳосил, юқори маблағ деб эртаю кеч тиришади. Аммо узоқ эмас, бундан ўн саккиз-йигирма йил, яъни мустақилликдан аввал даромад, бойиш деган гаплар сал узоқроқда эди. Демоқчиманки, турмушимиз тубдан ўзгарди. Бироқ кечаги кун асоратлари: лоқайдлик, боқимандалик, таъмагирлик сингари иллатлар ҳали чекингани йўқ. Сиз улар билан қай тахлит курашаяпсиз?

— Бундайлар ҳар қандай жамиятда бўлган. Айниқса, ўтиш жараёнида улар ари инига чўп суқилгандай, ўзини тўрт томонга уради. Улкан микёсдаги ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар жамиятнинг боқибеғам, баёв, лоқайд, сусткаш қатламини оғриндиради. Мазкур жараённинг у ёки бу даражада катта оқимга таъсири бўлади. Муҳими, бундай иллатлар таъсирига тушмаслик, улар билан чиқишиб кетмаслик.

Маълумки, биз тадбиркорлар ишини текширадиган ташкилотлар кўп. Кўпинча фаолиятимизни ипидан игнасигача текширишаркан, бўлмағур баҳоналарни рўкач қилишиб, ожиз жойимизни топишга уринишади. Шунда мен давлатимиз ва ҳукуматимиз чиқараётган қатор расмий ҳужжатларни анови жавондан олиб, тегишли жойини топиб, битта-битталаб ўқиб бераман. Шундай, кечаги шўро кишисининг тафаккури билан бугунги истиқлол даври фуқаросининг интиллекти ўртасида ер билан осмонча фарқ бўлгани боис, кечаги замон кишиси бугунги соғлом турмуш тарзини кечиришда анчайин қийналади.

— Абдуфармон ака, мана икки-уч қовун пишиғидан кейин бўладиган асосий суҳбатимизга режа тузиб олдик. Чоп этилаётган мақолалар юзасидан менга берган саволингизга келсак, унга қисман ўзингиз жавоб бердингиз, деб ўйлайман.

...Кўп ўтмай агрофирма ҳудуди анча орқада қолди. Энди мен Бухоронинг "жин кўча"лари қуршовида эдим. Негадир бу кўчалар кенг тортиб қолгандай туюлди.

Мамлакат НОРМУРОДОВА,
"Ҳуррият" мухбири.

ДУНЁДА НИМА ГАП?

TURON BANK

Очиқ акциядорлик-тижорат

“ТУРОН БАНК”

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги “Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосида аҳолига миллий валютадаги қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:

- “ЁШЛИК” — йиллик 30 фоиз, омонат муддати 3 ой, фоизлар ойма-ой ёки омонат муддати тугангандан сўнг тўланади.
- “ИШОНЧ — 1” йиллик 27 фоиз, омонат муддати 3 ой, фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг миллий валютада тўланади.
- “ИШОНЧ — 2” йиллик 28 фоиз, омонат муддати 6 ой, фоизлар мижоз талабига кўра омонат расмийлаштирилгандан сўнг 3 ой муддатда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.
- “ИШОНЧ — 3” йиллик 27 фоиз, омонат муддати 12 ой, фоизлар мижоз талабига кўра ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.

Фармонга асосан 2008 йил 1 апрелдан — 2009 йил 1 апрелгача бўлган даврда истаган киши банкларда ўз депозит ҳисобварақларини очиши, унга миллий ва хорижий валютадаги чекланмаган миқдорда маблағ қўйиши мумкин.

Маблағнинг келиб чиқиш манбаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этилмайди.

«ТУРОН БАНК» МИЖОЗЛАРНИНГ ОМОНАТГА ҚЎЙГАН ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ СИР САҚЛАНИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

Омонатга қўйилган пул маблағларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.
Омонатга қўйган маблағларингиз ҳисобига олинган даромадингиз солиққа тортилмайди.
“Турон банк” омонатлари тўлиқ рўйхати билан банкнинг филиалларида ёки www.turonbank.uz сайти орқали танишишингиз мумкин.
Маълумот учун телефон: (+99897) 700 55 55

ОАТ “ТУРОН БАНК”НИНГ “ИШОНЧ ТЕЛЕФОН”ЛАРИ:

Кредитлаш бош бошқармаси	244-30-44
Пул муомаласи бош бошқармаси	244-32-32
Валюта амалиётлари бош бошқармаси	244-25-64
Марказий амалиёт бошқармаси	244-25-76
1. Андижон филиали	8-374-22-2-19-09, 5-60-40
2. Бухоро филиали	8-365-22-4-35-16
3. Олот филиали	8-365-34-2-10-37
4. Навоий филиали	8-436-22-4-21-09
5. Қарши филиали	8-374-22-6-01-57
6. Шаҳрисабз филиали	8-375-52-2-53-60
7. Наманган филиали	8-369-22-6-25-46, 6-64-39
8. Нукус филиали	8-361-22-2-15-16, 2-11-43
9. Самарқанд филиали	8-366-2-31-07-72, 31-04-26
10. Сухондарё филиали	8-376-22-3-15-11, 3-18-99
11. Сирдарё филиали	8-367-22-7-22-64, 7-23-08
12. Фарғона филиали	8-373-22-4-06-21, 4-06-17
13. Хоразм филиали	8-362-22-5-26-37, 5-26-16
14. Жиззах филиали	8-372-22-2-21-41, 2-21-98
15. Зангиота филиали	150-20-24
16. Бўка филиали	8-370-57-35-190
17. Миробод филиали	150-10-10



250 КИЛОМЕТРНИ... БИР ЛИТР БЕНЗИН БИЛАН

Ҳиндистоннинг Панжоб муҳандислик институти талабалари ўта тежамли автомобиль лойиҳасини яратишди. Янги моделдаги машина 250 километр масофа учун бор-йўғи бир литр бензин сарфлайди.

Уч ғилдиракли машина 92 куб сантиметр двигатель, 65 кг. оғирликка эга. Унинг корпусини ясашда мустаҳкам алюминий қопламасидан фойдаланилган. Машина тахминан 12,5 минг АҚШ долларига баҳоланмоқда.

Автомобиль моделини яратишда институтнинг етти нафар талабаси ўқитувчилари раҳбарлигида иш олиб боришди. Ушбу лойиҳа институт бюджетига 53 минг долларга тушди.

Ҳиндистонда охирги пайтларда кам даромадли аҳолига мўлжалланган арзон нархдаги автомобиллар ишлаб чиқариш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Масалан, жорий йил январда Tata Motors компанияси томонидан тақдим этилган Nano автомобилининг баҳоси 2,5 минг доллар туради.

Ҳиндистон—Япония ҳамкорлигида ташкил этилган Maruti-Suzuki қўшма корхонаси ҳам арзон автомобиллар ишлаб чиқариш йўлида изланишлар олиб бормоқда.

ФЕДЕРАЛ ҚИДИРУВ БЮРОСИДА ХОДИМЛАР ЕТИШМАЯПТИ

Федерал қидирув бюроси томонидан олиб борилаётган кадрлар сиёсати малакали раҳбар ходимлар тақчиллигини юзага келтирди, деб ёзади The Washington Times газетаси. Таҳририят бу борада ФҚБ ходимлари ўртасида ўтказилган сўровга асосланиб кадрлар сиёсатини таҳлил этган. Бундан тўрт йил олдин ФҚБ кадрлар бошқаруви бўйича буйруқ қабул қилганди. Бунга кўра, бюронинг ҳудудий бўлинмаларига раҳбарлик қилган шахслар беш йиллик ваколат муддати тугаганидан кейин ишдан бўшаши ёки Вашингтондаги марказий идорага ўтиши керак.

Ўтказилган сўров натижаларига кўра, бюронинг 56 та ҳудудий бўлинмасида раҳбарлик лавозимларида ишлаётган мингга яқин ходимларнинг деярли ярми истеъфога чиқишини маълум қилган. Бу эса иш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. ФҚБ ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари истеъфо бермасдан, талаб бўйича марказий офисга ишга ўтган тақдирда ҳам, вазият ижобий томонга ўзгариши қийин. Чунки ҳудудий бўлинмалар иши тажрибасиз ходимлар қўлида қолиб кетади.

ФҚБ агентларидан бири АҚШ Конгрессида қилган маърузасида ҳам кадрлар муаммоси ҳақида гапирган эди. Қонун чиқарувчилар олдидаги ҳисоботда у тақчиллик туфайли етарли малакага эга бўлмаган, араб тили ёки Яқин Шарқ маданиятини яхши билмайдиган ходимлар ҳам ишга олинганини қайд этганди.

ФҚБ кадрлар бўйича сиёсат мунозараларга сабаб бўлаётганини тан олган ҳолда, бу фахрий ходимлар тажрибасидан самарали фойдаланиш мақсадида амалга оширилаётганини билдиради.

МУХОЛИФАТ ЕТАКЧИСИ ЯНА ВАТАНИДА



Зимбабведаги Демократик ўзгаришлар учун мухолиф партияси раҳбари Морган Тсвангираи президентлик сайловининг иккинчи турида қатнашиш учун ватанига қайтди. Мухолифат етакчисига амалдаги давлат раҳбари Роберт Мугабе назоратидаги махсус хизмат фитна уюштириши мумкин. Ушбу хатар ҳам уни Зимбабвега қайтишига тўсқинлик қилолмади, дейилади халқаро агентликлар хабарида.

Морган Тсвангираи Зимбабведан жорий йилнинг 8 апрелида чиқиб кетган эди. Президентлик сайловида 50 фоиздан ошиқ сайловчи овозини йиққанини даъво қилган Тсвангираи хорижий давлат раҳбарлари қўлловига умид қилган эди.

Зимбабве сайлов комиссияси эса жорий йилнинг 29 мартида ўтган овоз бериш тадбирида бирорта ҳам номзод керакли овоз йиға олмади, деган хулосага келган. Расмий маълумот бўйича сайловда Тсвангираи 47,9, амалдаги президент Мугабе эса 43,2 фоиз овоз йиғишга муваффақ бўлган.

Яна бир ойдан кейин — 27 июнь куни президентлик сайловининг иккинчи тури ўтказилиши керак. Сайлов муддатининг бу қадар орқага сурилиши мухолифат норозилигига сабаб бўлган. М. Тсвангирайнинг ўзи ҳам иккинчи тур май ойидан кечиктирилмасдан ўтказилиши кераклигини талаб қилган.

ФРАНЦИЯ ПРЕЗИДЕНТИ СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛДИ



Франция президенти Николя Саркози мамлакатдаги иккита компанияни судга берди. Le Figaro хабарига кўра, компаниялар томонидан ишлаб чиқарилган футболкаларда президентнинг фамилиясига ҳурматсизларча муносабатда бўлинган.

Ҳақорат билан боғлиқ жиноий ишга JMB компанияси ҳамда Arclo фирмаси жавобгар сифатида жалб этилган.

Футболкаларга туширилган суратда “Саркози” сўзидаги “О” ҳарфи нишон шаклида тасвирланган. Унинг тагида эса президентнинг жиноятчиларга қарши сўзларига ишора қилиб, “Тоқатсизлик – 50 очко” ибораси қайд этилган.

Шу билан бирга Франция давлатининг расмий шиори бўлган “Эркинлик, тенглик, биродарлик” сўзлари қонни эслатувчи қизил доғлар билан қопланган.

Мамлакат президентидан ташқари Lacoste ва Heiniken компаниялари ҳам юқорида номи зикр этилган фирмалар устидан судга шикоят қилган. Улар мазкур фирмаларни савдо маркасидан ноқонуний тарзда фойдаланишда айблашмоқда.

Иш бўйича аллақачон тергов ҳаракати бошланган. Arclo фирмаси офиси ва ишлаб чиқариш цехида ўтказилган тинтув пайтида 6000 га яқин маҳсулот мусодара қилинган.

БОЛАСИНИ САВДОГА ҚЎЙГАН ОТА-ОНА

Германиянинг Унтеральгау шаҳарчасида истиқомат қилувчи оила саккиз ойли фарзандини Интернет орқали ўтказилаётган кимошди савдога қўйди, деб хабар беради Die Welt газетаси. Электрон савдо сайтида чақалоқ уларга кўп ташвиш келтираётганини ёзган ота-она боланинг бошланғич баҳосини бир евро деб белгилаган.

Бу тўғридаги эълон кимошдида иштирок этаётганларни ҳайрон қолдирди ва улар зудлик билан полицияга мурожаат қилишди. Шу куннинг ўзида полиция боласини сотмоқчи бўлган ота-онани ҳибсга олди.

Сўроқ жараёнида 23 ёшли она кимошдидаги эълонни шунчаки ҳазил деб изоҳлаган. Бироқ полиция ушбу кўргазмани асосли, деб қабул қилмади. Чақалоқ маҳаллий ҳокимият вакиллари иштирокида болалар шифохонасига юборилди. Яқин кунларда гумондорларни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш масаласи ҳам кўрилиши мумкин.

МЕҲНАТСЕВАРЛАР ВА ДАНГАСАЛАР

Forbes журнали дунёнинг энг меҳнатсевар 30 давлати рўйхатини тузиб чиқди. Ушбу рўйхатни тузишда иш соати миқдори инобатга олинган.

Рейтинг жадвалида биринчи ўринда Жанубий Корея қайд этилган. Ушбу мамлакатда аҳолининг ўртача иш вақти йилига 2357 соатни ташкил этади. Корейс ишчиси байрам ва дам олиш кунларини ҳисобга олмаганда ҳар куни 6,5 соат меҳнат қилади.

Меҳнатсеварлик борасида кейинги ўринни Греция эгаллаган. Бу мамлакатда аҳолининг ўртача йиллик меҳнат вақти 2052 соатни ташкил этади. Меҳнатсеварлар рейтингида кейинги ўринларни Шарқий Европа давлатлари – Чехия (1997 соат), Венгрия (1989), Польша (1985) банд этган.

Рўйхатнинг тўққизинчи поғонасини АҚШ (1797 соат) эгаллаган. Меҳнатсеварлиги билан шуҳрат топган Япония (1784 соат) бу гал 12-ўрин билан чекланган.

Тадқиқотга кўра, Нидерландия энг ишёқмас давлат бўлиб чиқди. Нидерланд ишчисининг йиллик меҳнат муддати 1391 соатни ташкил этган. Дангаса давлатлар бешлигидан, шунингдек, Норвегия, Германия, Бельгия ва Франция ўрин олган.

ТАҲДИД

Тьерри — энг мудҳиш кимса

Францияда ЕТА қўпорувчи гуруҳи раҳбарларидан бири, 1983 йилдан бери қидирувда бўлган шахс қўлга олинди

Испания – Европа мамлакатлари ичида террорчилик ҳаракатлари энг кўп содир этиладиган давлат. ЕТА номи билан танилган террорчи гуруҳ ярим асрдан буён қўпорувчилик ҳаракатлари, суиқасдлар билан Испания махсус хизматининг тинка-мадорини қуритиб юборди. Испания таркибидаги Басклар мамлакатини озод этиш учун курашаётган жангари гуруҳ айни пайтда бутун Европа тинчини бузган дейиш мумкин. Негаки, Испания аъзо бўлган Европа Иттифоқи ҳудудида чегарасиз тартиб амал қилади. Бу эса оддий фуқаролар қатори жиноятчиларга ҳам бир давлатдан иккинчисига ўтишда енгиллик туғдириши мумкин. Мантиқан олиб қаралса, бугун Испанияда бўлган террорчи эртага Иттифоқ таркибидаги 27 давлатнинг бошқа бирортасида пайдо бўлиши мумкин. Масалан, Францияда...

Ўтган ҳафта Испания ва Франция махсус хизмати ЕТА террорчи гуруҳининг сиёсий етакчиси Хавьер Лопес Пеньяни Бордо шаҳридаги махфий квартирасида қўлга олди. У билан бирга яна уч нафар жангари ҳам ҳибс қилинган. Террорчиларнинг барчаси қуролланган бўлишига қарамай, қўлга олиш пайти қаршилик кўрсатмаганлар. Квартирани тинтув қилиш чоғида у ердан қурол-яроғ ва портловчи мосламалар, қалбаки ҳужжатлар топилган.

Испания матбуоти Хавьер Пеньяни террор тарихидаги энг мудҳиш кимса деб атаган. Халқ орасида “Тьерри” номи билан тилга тушган ва қўпорувчи гуруҳнинг асосий раҳбарларидан бири бўлган Хавьер Лопес Пенья испан махсус хизмати томонидан 1983 йилдан бери қидирилаётган эди.

Дастлабки хабарларда Пенья ЕТА гуруҳининг раҳбари экани айтилди. Кейинроқ у ташкилотнинг сиёсий фаолияти учун жавоб бергани қайд этилди. Яна бир тахминга кўра, у ташкилотнинг махфий квартиралари ва яширин омборларига масъул бўлган. Бу каби хилма-хил маълумотлар ва чалкашликларни ЕТА гуруҳи махфий бошқарувга эга экани ва бу тизим доимий равишда ўзгариб туриши билан изоҳлаш мумкин.

Испан полицияси маълумотига кўра, ЕТА гуруҳига 7 нафардан 11 нафарга қадар шахс аъзо бўлган бошқарув қўмитаси раҳбарлик қилади. Шу билан бирга бошқарув тизимида маслаҳат кенгаши ҳам фаолият юритади. Кўп йиллар гуруҳ таркибида моддий-техник таъминот, жанговар амалиётлар ва сиёсий фаолият бўйича учта бўлинма мавжуд бўлган. Бироқ охирги пайтларда ЕТА гуруҳи бўлинмалар сонини ўн биттага етказиб, бошқарув тизимини янада мураккаблаштирди. Халқаро алоқалар, ички муаммолар, ўғирлаш, рэкет, ахборот таъминоти, одам ёллаш, музокаралар ва молиявий таъминот билан шуғулланувчи янги бўлинмалар тузилди.

Хавьер Пенья Испания ҳудудида амалга оширилган бир қатор қўпорувчилик ҳаракатларида иштирок этиш ва ташкилотчиликда гумон қилиняпти. У билан бирга ҳибсга олинганлар орасида Айноа Осаэта Мендиондо исмли аёл, маҳаллий парламентнинг собиқ аъзоси Жон Салаберриа ва гуруҳ аъзоси деб гумон қилинаётган Игор Субербиола ҳам бор.

Сўнгги пайтларда ЕТА гуруҳининг қўпорувчилик фаолияти яна кучайди. Айниқса, жорий йилнинг мартида Испанияда ўтган парламент сайловлари чоғида баск айирмачилари томонидан бир қатор портлашлар амалга оширилди.

Айни пайтда басклар Испаниянинг Бискайя ва Наварра каби тарихий вилоятларида, Франция жануби-ғарбидаги Гаскони ерларида ва Атлантика океани соҳилидаги Аквитания ҳудудида истиқомат қилишади.

> *1999 йили ташкилотнинг етакчиларидан бири Франсико Мухика Гармендиа ўн йиллик қамоқ жазосини ўтаб бўлганидан кейин Франциядан Испанияга юборилди. Испания суди Гармендиани бир қанча оғир жиноятларда айбдор деб топди ва унга 109 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлади. Ҳукм эълон қилинган куннинг эртасига ЕТА жангарилари томонидан Гренадада Андалузия бош прокурори отиб кетилди.*

Европа Иттифоқи томонидан террорчи гуруҳлар рўйхатига киритилган “Euskadi Ta Askatasuna” (Басклар мамлакати озодлиги) ташкилотига 1959 йили асос солинган. Ўз олдига басклар яшайдиган ҳудудни мустақил қилиш мақсадини қўйган тузилма дастлаб сиёсий музокара йўлидан борган. 1968 йилдан бошлаб эса курашнинг зўравонлик ва террор йўлига ўтган.

Махфийлаштирилган тизимда иш олиб борувчи жангари ҳаракат мақсадга эришиш учун терактлар уюштиради. Шу билан бирга расмий ҳукумат вакиллари ёки уларни қўллаб-қувватлаган кучларни ўғирлаш, гаровга олиш, ўлдириш ҳам ЕТА гуруҳига хос бўлган жиноятлардир.

Ўтган йиллар давомида ушбу гуруҳ амалга оширган терактлар пайтида 800 дан зиёд одам қурбон бўлди. Ҳалок бўлганлар орасида Испания ҳукуматининг юқори лавозимдаги вакиллари, ҳарбий етакчилар, судьялар, полиция раҳбарлари бор. ЕТАчилар томонидан 1973 йилнинг декабрида Испания бош вазири Карреро Бланко қатл этилган. Жангари гуруҳнинг мамлакат қироли Хуан Карлос II ва бош вазир Хосе Мария Аснарга қарши суиқасдлари тасодиф туфайли якунига етмай қолган.

Гуруҳ аъзолари ҳибсга олинган пайтларда бунга норозилик ифодаси сифатида яна кўплаб терактлар содир этилади. Масалан, 1999 йили ташкилотнинг етакчиларидан бири Франсико Мухика Гармендиа ўн йиллик қамоқ жазосини ўтаб бўлганидан кейин Франциядан Испанияга юборилди. Испания суди Гармендиани бир қанча оғир жиноятларда айбдор деб топди ва унга 109 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлади. Ҳукм эълон қилинган куннинг эртасига ЕТА жангарилари томонидан Гренадада Андалузия бош прокурори отиб кетилди.

Дарвоқе, жангари гуруҳ терактлар билан бир пайтда сиёсий кураш орқали ҳам ўз мақсадига эришишга уриниб келади. Бу йўлда 1978 йил ЕТАнинг сиёсий қаноти сифатида “Эрри Батасуна” партияси ташкил этилган. Миллатчилик руҳидаги жанговар чақириқлари билан танилган ушбу партия фаолияти ҳам қонун бўйича тақиқланган.

Агар матбуот хабарлари, архив маълумотларига эътибор қаратилса, ЕТА жангариларининг ҳибсга олиниши жойи сифатида Франция давлати кўп бора қайд этилади. Гап шундаки, 1986 йилга қадар баск айирмачилари раҳбарлари Франция ҳудудида бемалол истиқомат қилган: ЕТАни Испаниядаги Франко диктатурасига қарши ҳаракат деб баҳоланган француз ҳукумати унинг раҳбарларига сиёсий бошпана берган. Лекин Испания ҳукумати билан олиб борилган музокаралардан кейин Франция раҳбарияти ҳам ЕТАни террорчи сифатида тан олди ва уларга қарши курашда фаол иштирок эта бошлади. Француз махсус хизмати испаниялик ҳамкасблари билан бу борада яқин ҳамкорлик ўрнатди.

Охирги йилларда махсус хизмат томонидан жангари гуруҳнинг кўплаб етакчилари қўлга олинди. Масалан, 2004 йили ЕТАнинг сиёсий қаноти раҳбари Микеле Албису (у ҳам Францияда) қамоққа олинди. 2005 йили ташкилот тизимида иккинчи шахс деб гумон қилинган Харриета Агирре қўлга туширилди. 2007 йили террорчилик гуруҳи бошқарувида учинчи шахс деб баҳоланган молиявий фаолият етакчиси, кейинроқ портловчи моддалар тайёрлаш бўйича бош мутахассиси терговга тортилди. Шунча раҳбарларнинг ҳибсга олинганига қарамай, баск жангарилари ташкилоти тарқаб кетмади. Бу ҳолатни мутахассислар ЕТА бошқарув тизимининг пухта ишлаб чиқилгани ва у биргина шахсга боғлиқ эмаслиги билан изоҳлашади. Испан матбуоти маълумотига кўра эса мамлакат махсус хизмати шунча йиллардан бери курашиб келаётган бўлса-да, ҳали жангари гуруҳ аъзолари ва раҳбарлари тўғрисидаги тўлиқ ахборотни ололганича йўқ.

Хориж матбуоти ва Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

НИГОҲ

МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

Нобель мукофоти совриндори, XX асрнинг забардаст адибларидан бири Габриэль Гарсиа Маркес номи адабиёт мухлиси бўлган ҳар бир кишига яхши таниш. Колумбиялик ёзувчи, аввало, журналист Габриэль Гарсиа Маркеснинг "Юз йил танҳоликда", "Мустабиднинг кузи" романлари қисқа вақт ичида кўп миллионли китобхонлар аудиториясини ўзига ром этди.

Биз ҳозир эътиборингизга Парижда нашр этиладиган машҳур "Юманите" газетасида бундан салкам ўттиз йил илгари чоп этилган Габриэль Гарсиа Маркес ҳақидаги мақолани ҳавола этмоқчимиз. Ҳақиқий бадиий асар даврлар ўтса-да, ўз қимматини йўқотмайди. Шунингдек, асл асари каби ёзувчининг номи ҳам ўчмайди, ёзувчи шахси, ижоди, ҳаётига бўлган қизиқиш ҳеч қачон сўнмайди. Орадан неча ўн йиллар ўтган бўлса ҳам ушбу мақола ҳозирги кун ўқувчисини ҳам жалб этади.

Мухбирлик ёндафтарчасига эга Ёзувчи

Мухбирга айланган ёзувчи. Буни қандай тушуниш мумкин — бу Габриэль Гарсиа Маркес томонидан қилинган даъватми ёки вақтинчалик ижодий танаффусми?

Мен (мақола муаллифи Жан Ортиз) у билан Гаванада учрашиб қолдим. У мана тўртинчи йилдирки, ўзини журналистикага бағишлаган ва Кубага эҳтимол шу мақсадда борган-дир.

Кўпчилик "Юз йил танҳоликда" ва "Мустабиднинг кузи" номли ажойиб романлар, кўпгина қиссалар ва ҳикоялар муаллифи бўлган, замонавий насрнинг олдинги қаторида бораётган ёзувчи нега бирдан журналистга айланиб қолганлигига ажабланади. Лекин ёзувчи Маркес ижодини айнан журналистикадан бошлаганини ёдда тутинг.

— Дастлаб ижод қилишга мойиллигим репортаждан бошланган десам бўлади, — дейди у. — Мен ижодимни Колумбияда журналистлик пиллапоясининг энг паст даражадаги ва энг кам ҳақ тўланадиган мухбирликдан бошлаганман. Шундай бўлса-да, мен қилаётган иш чинакам журналистика майдони эди — ёзадиган воқеа-ҳодисалар тўлиб-тошиб ётар, кураш ҳам бисёр эди. Афсуски, мен ишлаётган газета кўп ўтмай (бу Боготада чоп этиладиган "Эспектадор" газетаси эди) Колумбия диктатори Рохас Пинилья томонидан ёпиб қўйилди. Шундан сўнг Габриэль Гарсиа Маркес Париж томон йўл олади, бу ерда 1955 йилдан 1958 йилгача яшайди. У мусофирликда баъзида чўнтагида сариқ чақасиз кун кўради. Куба инқилобидан сўнг у "Пренса Латина" ахборот агентлигига ишни йўлга қўйишларида ёрдам беради. 1961 йилдан бу ерда ҳам ишламай қўяди. Гоҳ-гоҳида турли нашрларда имзосиз мақолалар чоп этар, лекин аксарият вақтини адабиётга бағишлай бошлади.

"Юз йил танҳоликда" романи Маркесга катта шуҳрат келтирди. У энди ана шу шуҳрат туфайли кун кечириш азобидай моддий ташвишлардан қутилди ва бадиий ижод учун айни керакли зарурият — молиявий мустақил бўлди, бировга қарам бўлмади. Маркес яна мақолалар ёза бошлади, энди ўзи эътироф этганидай, мақолалари "иш берувчи хўжайинлар манфаатлари ва қарашларига зид эмасди". Гарчанд шундай бўлса-да, унинг материаллари кўпинча мухолифат нашрларида, масалан, Колумбияда чиқадиган "Альтернатива" журналида чоп этиларди.

1973 йил Чилида юз берган давлат тўнтариши ижодкор йўлини белгиловчи асосий мўлжал бўлиб хизмат қилди, бу воқеа ёзувчини журналистикадан олислаб кетишига хизмат қилди. У "Мустабиднинг кузи" романини тугатиб, нуқта қўяр экан, 1975 йили очиқчасига эълон қилади: "Токи мамлакатда Пиночет режими қуламагунига қадар адабий асар ёзмайман!" Бу сиёсий идеализмми ёки адабий харакирими?

— Йўқ, — дея жавоб беради Маркес. — Ҳозирги вақтда журналистика — адабиётга нисбатан фойдалироқ, таъсири кучлироқ қурол. Унинг самараси фашизмга қарши курашда бевосита акс этади.

Шундай қилиб, "Юз йил танҳоликда" романи муаллифи сўзсиз янги йўлдан кетади. У чинакамига оддий журналистика билан эмас, "имтиёзли журналистика" билан шуғулланаётганини эътироф этади. Унинг ёзувчилик нуфузи кўпинча махфий ахборот манбаларидан тўғридан-тўғри фойдаланишига имкон берарди. Масалан, Маркес Анголада бўлиб ўтган воқеалар аслида қандай юз бергани ҳақида очерк ёзмоқчи бўлганида нақ Фидель Кастронинг ўзи унга керакли маълумотларни тақдим этганди. 1978 йилнинг сентябрь ойида эса Панамага бориб, никарагуаликлар — Сандино миллий озодлик фронти қатнашчиларидан интервью олишга фақат ўгина муваффақ бўлади.

Албатта, берилган бу имтиёзлар ўринли эди. Маркеснинг исътедоди, номининг донғи кетганлиги, қаттиққўллиги у ёзган ҳар қандай лавҳанинг обрўсини оширар ва нишонга бориб тегарди.

Ёзувчи унинг миллионлаб ўқувчилари Чилида ўзгаришлар бўлишига ўз ҳиссаларини қўшишларига ишонади. Шундай бўлса-да, ёзувчининг тутган йўлида қандайдир иккиланиш борга ўхшайди. Унинг бундай даъвати бирор самара берармикин? Бироқ ёзувчининг айтишича, гап кўпроқ рамзий танаффус устида кетаяпти. Маркеснинг ўзи менга тан олиб айтдики, у ёзишни умуман ташламаган, балки ижод қилиш суръатини пасайтирган, холос. Жумладан, ҳозир у Лотин Америкасидан Ғарбий Европага яхшироқ турмуш кечириш илинжида келган муҳожирлар ҳақидаги ҳикоялар тўплами устида ишламоқда.

— Бу қисман автобиографик новеллалар, — дейди Маркес. — Мен ҳикояларни хабарлар, майда-майда мақолалар асосида ёзаман. Бу хабарларни мен 50-йиллари ёзганман.

Ушбу ҳикояларнинг яратилиши, яна анча олдин ваъда қилинган Куба ҳақидаги китобни (иқтисодий қамал давридаги кундалик воқеалар хроникаси) Маркес ҳозир бор кучини сарфлаётган жадал журналистлик фаолияти тўхтатиб турибди.

— Сўнгги ўн йил давомида Лотин Америкасида вазият кескин ўзгарди, — деб таъкидлайди у. — Бу ҳолни ёритишни сира кечиктириб бўлмайди.

Мен унга разм солар эканман, назаримда, табиатининг бошқа бир қирраси очилгандай бўлди. Габриэль Гарсиа Маркес ҳақида кўп нарсалар айтилган ва ёзилган — ажойиб хаёлпарастлиги, сўз устаси эканлиги, хаёлнинг воқелик билан сехргарларча уйғунлашиб кетиши... У воқеа-ҳодисаларни ажиб тўқиб чиқарувчи бўлиб қолавериши мумкин эди. Бироқ унинг илдизлари кундалик турмушга, воқеликка илдиз отган, оёғи ердан узилмаган, шунинг учун ҳам ҳаракатдан тўхтамайди.

Ёзувчи ва журналист Маркес ана шундай одам. У воқеалар гирдобида қайнаши, қизғин ҳодисалар ичида бўлиши зарур. У журналистикада самарали кураш воситасини кўради, шу билан бирга, тўғридан-тўғри, биринчилардан бўлиб ахборот олиш йўлини ҳам билади. Ижоди тин олди, тўхтаб қолгани йўқ, балки фактлар, далиллар, ҳис-туйғулар, деталлар, тимсол-образлар тўплаш даври бўладики — бунингсиз асл бадиий асар яратилишини тасаввур қилиш қийин.

Ўзи эса шундай дейди:

— Журналистика менга мислсиз маълумот беради. Тўғри, баъзи нарсаларни ҳозирча нашр қила олмайман. Мен бугунги кунга нима кераклигини саралаб оламан. Аммо мен буларнинг бари адабиёт учун албатта асқотади, деб умид қиламан.

Маркеснинг бўлғуси асарлари яна Макондо (ёзувчининг аксарият асарларида воқеалар кечадиган Колумбиядаги ўйлаб чиқарилган, хаёлий шаҳар) чегараларидан чиқиб кетажаги кўриниб турибди. Унинг ҳозир қилаётган иши бутун Лотин Америкасини қамраб олади, у Африка ва бошқа қитъаларда юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида кўп ёзади, турли кишилар билан учрашади. Габриэль Гарсиа Маркесдай одамнинг мухбирлик ён дафтарига битилган ёзувлар бир кун келиб, янги, ёрқин, адабий асарларга пойдевор бўлмай қолмайди.

Маъсума АҲМЕДОВА тайёрлади.

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Хавфли, зарарли ва заҳарли

одатдан қутилиб, 18 миллион 250 минг сўм тежаш мумкин

Ишдан ҳориганда ёки нималардандир сиқилган пайтда сигарет чекиб, ўзини овутадиган, зарарли тутунни бурқситиб, ўзи тугул ёнидагиларни ҳам заҳарлайдиган айрим кишиларни кўча-кўйда, ён-атрофимизда кўп учратамиз. Ҳеч иккиланмай уларни руҳан ожиз одамлар деб аташ мумкин. Ёнларига борсангиз, димоғингизга ачқимтир ҳид урилиб, нафасингизни қайтаради. Энг даҳшатли томони кашандаларни на жинси, на ёши бўйича фарқлаш мумкин.

Тунов куни ишдан уйга кетаётсам, кўчада ҳали кўринишларидан мактабни ҳам битирмаган ёшгина йигитчалар бири қўйиб, бири сигарет чекаяпти. Тўғри, ҳали улар ёш, кимгадир ҳавас қилиб чекаётган бўлишлари мумкин. Нима учун чекишлари ҳақида ўзлари ҳам билмайди. Уларнинг назарида бу замонавий олифтагарчиликнинг бир талаби, холос. Сигаретга ўрганиб қолган боланинг эса чекишни ташлаши жуда-жуда қийин бўлади. Ўзбек аёлининг роҳатланиб сигарет тутатаётгани мени баттар таажжубга солди. Бу ҳолат аёлга савол беришга ундади.

— Кечирасиз хола, ёшингиз нечада?

Аёл бирор таниши деб ўйлаб, менга узоқ қараб қолди, лекин танимади — Элликка яқинлашиб қолдим, нима эди, — деди саволимга савол билан.

— Анчадан бери сигарет чекасизми? — деб сўрадим, мақсадимни баён қилганимдан сўнг.

Аёл чуқур уҳ тортди, ўтмиши ёдига тушдими, бир муддат жимиб қолди, кейин "ёрилди". Маълум бўлишича, турмуш ўртоғи бевақт оламдан ўтгач, руҳий тушкунликка дош беролмай, ўзини овутиш учун сигарет чекишни бошлаган экан. Кўп вақт чекмаса боши қаттиқ оғриб қоларкан.

Ажабо, бош оғриғи тугул, бошқа дардларга дармон бўладиган турли хил номдаги малҳамлар дорихоналарда тўлиб, тошиб ётибдию, бу аёлнинг "бош оғриғи"га фақат шундан нажот излашини қаранг. Ахир сигарет касалликни тузатмайди. Балки вақтинча оғриқ таъсирини сусайтириб туриши мумкин, холос.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, тинимсиз чекиш натижасида жигар, ўпка каби нозик аъзолар шикастланиб, ошқозон-ичак, ўпка раки, нафас органларининг яллиғланиши каби жиддий касалликлар келиб чиқаркан.

Хусусан, республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотларига қараганда, биргина 2007 йилнинг якунида тамаки чекиш оқибатлари натижасида мамлакатимизда 13021 нафар одам турли хил хасталикларга чалинган. Тошкент шаҳри бўйича эса жами 3002 нафар бемор чекишнинг зарарли оқибати туфайли азият чекмоқда. Беморлар сони камайиш ўрнига йилдан йилга ортиб бораяпти. Шунинг ўзиёқ бу офат билан ҳамиша курашиш кераклигини англатади.

— 2007 йилда ошқозон раки билан хасталанган 149 нафар, ўпка раки билан 114 нафар, нафас олиш органлари касалликларидан шикоят қилган 148 нафар беморни рўйхатга олдик, — дейди Тошкент шаҳар онкология диспансерининг онколог шифокори Дониёр Исҳоқов. — Буларнинг барчасига беморларнинг ёшлигидан кашандаликка муккасидан кетганликлари сабаб. Биз шифокорларни энг ташвишлантираётган нарса келажак авлодни дунёга келтирадиган аёлларнинг зарарли одатга ружу қўяётганларидир. 2007 йил 257 нафар эркак ва 81 нафар аёл ўпка раки касаллиги билан шифохонамизга тушди. 2008 йил 1 январь ҳолатига кўра эса жами 515 нафар беморларнинг чекиш оқибатида оғир дардларга чалингани қайд этилган.

Дарҳақиқат, чекиш инсон умрининг заволи, сигарета қутисида ҳам "Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради, чекиш соғлик учун хавфли", деб ёзиб қўйилади. Аммо ҳамма ҳам бунга эътибор беравермайди, берса ҳам бунга келганда кўз юмади. Энг ажабланарлиси, баъзи врачларнинг ўзлари ҳам бу зарарли одатдан бебаҳра эмаслар. Ана шундай чекишга ўч айрим шифокорлар билан суҳбатлашганимизда, илк бор бошқаларга ҳавас қилиб, лабларига сигарета қистирирганларини ёки ҳаёт ташвишларидан безиб, шу нарсага ўрганиб қолганликларини айтишади. Лекин ҳамма нарсани ҳам, ҳаётдаги майда-чуйда ташвишларга олиб бориб тақайвериш тўғримикан?! Ахир дунёда инсон умридан, соғлигидан азизроқ яна нима бор? Қоларса, сигарета деганлари нафақат соғлик учун зарар, балки чўнтакнинг ҳам шўри. Бугунги кунда бир қути энг арзон сигарет 900-1000 сўм туради. Ҳеч ҳисоблаб кўрганмисиз, бир ойда ўттиз қути сигарет чекадиган одам бир йилда қанча сигарет чекади, 40-50 йилда-чи, уни пулга чақсак қанча бўлади? Бир қути сигаретни ўртача минг сўмдан ҳисоблаганимизда ҳам бир киши бир йилда камида 365 000 минг сўм харажат қилар экан. Бошқачароқ таъриф-лайдиган бўлсак, кимлардир миллион-миллион сўм сарфлаб, соғлигини тиклашга ҳаракат қилаётган бир пайтда, кашандалар катта-катта пул тўлаб, ўзларига касаллик сотиб олар экан. Энди ўзимизча шу нарсани ҳисоблаб кўрайлик. Инсон 15 ёшидан эмас, келинг 20 ёшидан чекишни бошлади, дейлик. Худо умр бериб 70 ёшгача кашандаликдан қутила олмади деб ҳисобласак, орадаги фарқ роппа-роса 50 йил. Агар кашанда кунига бир қутидан тамаки тутатганда, неча тонна тутунни ичига ютади, бунисини ҳисоблаш жуда мушкул. Аммо бир йилда 365 қутидан, 50 йилда 18250 қути сигарет чекар экан. Буни пулга чақсак, ўртача бир қути сигаретни 1000 сўмдан ҳисоблаганда ҳам жами 18 миллион 250 минг сўм бўлар экан! Бу агар кашанда кунига бир қутидан сигарет чеккан тақдирда. Аммо шундай кашандалар ҳам бор эканки, улар кунига ҳатто икки-уч қутидан сигаретни "кўрдим" демас экан. Бунда юқоридаги сумма миқдори қанчага ошади? Энди соғлом фикр қилиб ўйлаб кўринг-а: ҳам соғлиқдан ҳам миллион-миллион маблағингиздан мосуво бўлиш шунчалик керакми? Нақадар кулгили, йўқ, ачинарли ҳол, шундай эмасми?

Минг афсуски, орамизда бу оғу билан дўстлашган, ўз соғлигининг қадрига етмай умрини бевақт хазон қилаётган инсонлар жуда кўп, беихтиёр уларга ачиниб кетасан.

Чекишдан буткул халос бўлиш учун инсон ўз фаолиятини доимо ақл билан бошқариши зарур, бунинг учун қаттиқ асабийлашиш, руҳий тушкунлик ҳолатига тушганда матонат билан бардош бериши, агар боши оғриб қаттиқ азоб берса, тамаки чекиб эмас, балки шифокор маслаҳатига қулоқ тутиб, бу ҳолатдан қутилишга ҳаракат қилиши энг мақбул йўлдир.

"Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотларига қараганда, биргина 2007 йилнинг якунида тамаки чекиш оқибатлари натижасида мамлакатимизда 13021 нафар одам турли хил хасталикларга чалинган. Тошкент шаҳри бўйича эса жами 3002 нафар бемор чекишнинг оқибати туфайли азият чекмоқда..."

Дилафрўз ТЎРАҚУЛОВА

КУЗАТУВ

Севги миннат қилинмайди

ёхуд учинчи одам қўшиқчими?

Қалам қитирлаяпти: дилимнинг қонларини ичган мисралар илондек тўлғониб оппоқ қоғозга тушади...

Ичибдур мисралар қоним,
ки ҳеч олмагай ёним
Белида юз илон жоним
талашган гул кезар танҳо...

Ижодкорнинг сархуш ҳолати... Уни бу хасталикдан ҳеч ким халос этолмайди. Иккита сўзнинг бошини бириктириш учун тинимсиз изланаётган кишининг нотинч ҳолатини тушуниш оғир. Юракни титратгувчи, элнинг қалбидан жой олгувчи залворли сўз дарди унга тинчлик бермайди. Рақҳосаларни доғда қолдирган рақҳос дўстим Сафар бригадир "Ойнаи жаҳон"да бериб бориладиган ҳар бир қўшиқни иштиёқ билан тинглар экан. Яқинда дўстлар даврасида ўтирганимизда ундан жуда қаттиқ танбеҳ эшитдим. Овозининг борича бақиргандай бўлиб деди:

— Шоирларга ҳам беш кетмадим. Қўшиқларни эшитиб энсанг қотади. Шеърни тузукроқ ёзиш керакки, қўшиқни эшитганда киши роҳатлансин.

Гарчи бу дўстимнинг шахсий мулоҳазаси бўлса-да, мум тишлагандек бўлдим. Чиндан ҳам яхши қўшиқ кишининг дилига ҳузур бағишлайди. Буюк адибимиз Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романидаги Отабекнинг ҳолатини кўз олдингизга келтиринг. Хаста ошиқ чолғувчига "Айрилиқ куйини чалингиз", деганида беихтиёр жаранглаб кетган "Ўртар" қўшиғи дилни ўртаб юборади. Биз Отабекдан олдин сархуш бўлганимизни сезмай қоламиз. Негаки, у Машраб бобонинг оҳи-да...

Бу йил Наврўз байрами арафасида пойтахтимизда барча вилоятлардан йиғилган фольклор этнографик дасталарнинг кўрик-танлови бўлди. Ғолиблар сараланди. Яхши қўшиқ, яхши қўшиқчи доимо элнинг назарида туришини ҳис этдим. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан шоирларимизнинг сара шеърлари бастакорларга етказилди. Айрим қўшиқчилар ўз устида ишламай қўйганлиги танқид қилинди. Юртимиз тўйларини кўтаринки руҳда ўтказиш ҳар бир ижодкор олдидаги катта масъулият эканлигини англадим. Аммо, мени ташвишга қўйган нарса ўша Сафар бригадирнинг танбеҳи эди. Негадир, оддий деҳқоннинг танбеҳи дилимга тиг каби оғир ботганига ҳанузгача ҳайронман. Эҳтимол, айрим хонандаларимизнинг беўхшов хатти-ҳаракати уни бездириб юборгандир.

Баъзан телеэкранлардан "Севаман... Севаман... Севаман", — дея такрор-такрор айтаётган хонанданинг сўзлари маъшуқанинг юзига тарсаки тушираётганга ўхшаса-да, ҳафиз буни сезмаётгандай. Бир ҳақиқат борки, севги миннат қилинмайди. Ватан ҳақида қўшиқ қуйлаётган қўшиқчининг тўтиқушдек бир сўзни ўн бора қайтақайта такрорлашини эшитиб, ҳайратланасан киши. Бу қуруқ сўзлар Ватаннинг чексиз суратини чизиб беролармикин? Шу ўринда устоз шоиримиз Абдулла Ориповнинг ушбу сатрлари хаёлимдан ўтди:

Учинчи одам бу — ўзи бир
хилқат,
Ўшадур дунёга илк қўйган қадам.
Икковлон ўлжани келтирган
фурсат,
Ўчоққа ўт ёққан учинчи Одам...

Ижод оламида яна бир одам бор. У ўша устоз айтган "учинчи одам". "Учинчи одам" шоир ҳам, қўшиқчи ҳам эмас. У шеър даражасига кўтарилмаган сўзни шеър, киши қўшиқ дейишга уяладиган сатрларни қўшиқ деб тан оладиган киши. Ҳар нечук, Яратгандан "учинчи одам"га инсоф тилаймиз.

Ахтамқул КАРИМ

Ховос транспорт касб-ҳунар коллежи 2008-2009 ўқув йилига қуйидаги йўналишлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:

I. Темир йўл транспорти:

Мутахассислик номи	Касби
Транспорт воситаларидан фойдаланиш ва таъмирлаш	Локомотив машинист ёрдамчиси, Локомотивларни таъмирлаш механиги
Темир йўлларга техник хизмат кўрсатиш	Темир йўлларга техник хизмат кўрсатиш механиги, Темир йўл машиналари машинисти, Дефектоскоп аравачаси машинисти, Темир йўл монтёри
Темир йўл контак тармоқлари ва тортиш подстанцияларини техник ишлатиш ва таъмирлаш	Тортиш подстанциялари электр жиҳозларини таъмирлаш электрмеханиги, Контак тармоқлари электр жиҳозларини таъмирлаш электриги
Темир йўл вагонларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш	Юк ва йўловчи вагонларни таъмирлаш техниги, Вагонларни кўздан текшириш техниги, Йўловчилар вагони проводниги
Темир йўл электротехник тизимларидан техник фойдаланиш	Сигналлаштириш, марказлаштириш ва блокировка қурилмалари электрмеханиги, Сигналлаштириш марказлаштириш ва блокировка қурилмалари электромонтёри
Темир йўл станцияларига хизмат кўрсатиш	Темир йўл станцияларига хизмат кўрсатиш техниги, Марказлашган станция пости навбатчиси, Юк ва йўловчиларни ташиш ташкилотчиси, Поездларни тузувчи

II. Автомобилда юк ташиш:

Мутахассислик номи	Касби
Транспортларда ташиш ва бошқаришни ташкил этиш (транспорт турлари бўйича)	Пассажир ва юк ташиш автотранспортлар техниги, Диспетчер, "В" ёки "ВС" тоифали ҳайдовчи

III. Ҳуқуқ ва хўжалик фаолияти:

Мутахассислик номи	Касби
Хўжалик ҳуқуқий фаолияти	Хўжалик ташкилотида ҳуқуқшунослик, Ходимлар инспектори, Иш юритувчи

IV. Бошланғич таълим:

Мутахассислик номи	Касби
Бошланғич таълим	Куни узайтирилган гуруҳларда тарбиячи Бошланғич синфларда тасвирий санъат ва меҳнат тарбияси раҳбари Тарбиявий ишлар катта етакчиси

Кундузги бўлимга ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари зарур: (9-синф маълумоти ҳажмида)

1. Директор номига ариза
2. Маълумоти тўғрисида ҳужжатнинг асл нусхаси (шаҳодатнома)
3. Доимий яшаш жойидан маълумотнома
4. 086 У- шаклдаги тиббий маълумотнома
5. 3х4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат
6. Ташхис марказидан касбга йўналтириш бўйича тавсиянома
7. Паспорт (нусхаси) ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси
8. 9-синфни олдинги йилларда тугатган ва кейин ҳеч қаерда ўқимаган ўқувчилар учун мактаб ва маҳалла қўмитасидан 10-11 синфда ўқимаганлиги тўғрисида маълумотнома

Ўқиш муддати — 3 йил

Ҳужжатлар 1 августгача қабул қилинади.

Бошқа шаҳарлардан келиб ўқийдиган талабалар ётоқхона билан таъминланадилар.

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:
Сирдарё вилояти Ховос шаҳарчаси Э.Карабаев кўчаси 7-уй.
Мурожаат учун телефонлар: (8.367) 74-85-27, 74-87-76

ТИЛСИМ

Исмлар тақдирдан сўйлайди

Бир танишим бундан чамаси ўн беш йилча олдин ўғлига Саддамхусайн деб исм қўйганди. Ўша бола энди ақлини таниганидан сўнг, ўзининг исмдоши ким бўлганини, "адаши"нинг умри қандай якун топганини билганидан кейин қай аҳволга тушушини, ўксик қалбида кемтикликлар ниш уришини тасаввур қилаяпсизми? Атрофдагиларнинг, у билан эндигина танишаётган кишиларнинг ҳайратомуз қарашлари ҳам буни бот-бот эслатиб туради.



Дарҳақиқат, фарзандга исм қўйиш шунчаки ҳою ҳавас, енгил-елпи иш эмас. Балки жиддий ва масъулиятли вазифадир. Ҳадиси шарифда ҳам ота-оналарнинг фарзанд олдидаги илк бурчи яхши исм қўйишдир, дейилади.

Қадим замонларда исм қўйишда шошилишмаган. Чунки исм жисмга мос бўлиши талаб қилинган. «Алпомиш» достонида ҳам ёшгина Ҳакимбек бобоси Алпинбийнинг ёйини кўтаргандан кейин Алпомиш номини олади ва шу ном билан шуҳрат топади.

Баъзи манбаларда ёзилишича, ота-оналар фарзандлари туғилганда, кўзларига биринчи кўринган нарсани ёки онанинг туғурукдан кейинги айтган биринчи сўзини болаларига исм қилиб беришган. Масалан, Соҳибқирон Амир Темурнинг отаси Тарағай Баҳодир туғилганда, бу муҳтарам зотнинг падари бузруквори сайраётган тўрғайни кўради ва ўғлига шу исмни беради. Бу одат илдизимиз бир бўлган айрим қардош халқлар урф-одатларида ҳалигача сақланиб қолган.

Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома"си қаҳрамонларидан бири Рустам дунёга келганда, туғуруқ азобидан қийналиб кетган онаси "берустам" (форсча «қутулдим») дейди. Шу сабабли чақалоққа Рустам деб ном беришади. Не ажабки, Рустами достондан кейинчалик бирор бир ёвуз душман, унга рўбарў бўлган бирор бир паҳлавон қочиб қутула олмайди.

Исм инсоннинг тақдирига ҳам ўз таъсирини ўтказиши аллақачон исботини топган. У шунчаки инсонларни бир-биридан ажратиб турадиган чақириш воситасигина эмас. Исмга одам боласининг борлиғи, руҳи, "мен"и сингиб кетган бўлади. Биргина мисол, оддий халқ орасида урф бўлган, ёвуз ирим-сиримлар, дуогўйларнинг қилаётган шум амаллари кишига тўғридан-тўғри жисмонан зарар етказмайди, балки унинг исмига қаратилган бўлади. Не сирки, улар айнан ўша айтилган исм-шарифли кишигагина таъсир қилади.

> *Исм инсоннинг тақдирига ҳам ўз таъсирини ўтказиши аллақачон исботини топган. У шунчаки инсонларни бир-биридан ажратиб турадиган чақириш воситасигина эмас. Исмга одам боласининг борлиғи, руҳи, "мен"и сингиб кетган бўлади.*

Исм билан боғлиқ оиламизда бўлиб ўтган бир воқеани айтиб ўтсам. Тўқсонинчи йилларнинг боши эди. Қиш фасли. Олти ойлик укам Алишер қизамиққа чалинди. Касаллик ичга ўтиб кетса ёмон бўларкан. Тўсатдан гўдак нафас олишдан тўхтайди. Шифокорлар ҳам бир икки урингач, қўл силташади. Биргина шифокор умид узмай, болага сунъий нафас бера бошлади. Шунда мўъжиза юз бериб, гўдакка қайта жон битди. Билмадим, бу бир тасодифми ёки Парвардигорнинг қудрати билан ҳазрат Алишер Навоий руҳининг мурғак исмдошига бўлган марҳамати эдими, ҳар ҳолда бу воқеа 9 февраль куни эрта тонгда содир бўлганди.

Дарҳақиқат, бу ёруғ оламда идрок этиш учун инсон боласининг ақли калталик қилиб қоладиган сир-синоатлар бисёр. Йўқса, болалари турмаётган ота-оналарнинг навбатдаги фарзандига Турди, Тўхтасин қўйишганда улар яшаб кетишганини, ўғил кўрмаётган оилалар қизларига Ўғилой, Улбўсин деб исм беришса, ундан кейин албатта ўғил туғилишини қандай изоҳлаш мумкин?

Ёки баъзан болаларнинг "ўз исми" билан туғилишини олайлик. Хол билан туғилса Холмат, нор билан туғилса Нормамат ёки Норбой, "бир ўлиб тирилса" Ўлмас қўйишади. Худди шундай тиш билан туғилса Бўри, ортиғи билан туғилса Ортиқ, ўралиб туғилса Ўролбой, муддатидан олдин туғилса Илғор, Чалабек, ўзидан олдинги фарзанддан бир неча йил ўтгач туғилса Хумора, байрам куни туғилса Байрам, суннат бўлган ҳолда туғилса Суннат ёки Мусулмон деб исм берилади. Агар бола хурриллаб ётса уни Хуррам деб чақиришади, шундан сўнггина хурриллаши бутунлай йўқолиб кетади. Шунингдек, фарзандлар эгиз туғилса, одатда уларга Ҳасан-Ҳусан, Фотима ва Зуҳра деб ном беришади.

Нодир исмли ўртоғимнинг ҳаётида қуйидагича воқеа содир бўлган. Айтишларича, у икки-уч ойлик бўлганида бошида пиёладай келадиган шиш пайдо бўлади. Врачларнинг роса боши қотади. Бирови шишни кесиш керак деса, бирови ичидаги суюқликни сўриб ташлаш лозим, бўлмаса боланинг ҳаётига хавф солиши мумкин деб, ўз қарашларини баён қилади. Воқеадан тасодифан воқиф бўлиб қолган ўша ерда даволанаётган бир кекса бемор, бола ўз исми билан туғилибди, бошидаги шиш мели, унга Мелиқул деб исм беринглар деб уларни тўхтатиб қолади. Шундан сўнг шиш ўз-ўзидан йўқолиб кетади.

Баъзан чақалоқ ҳаддан ортиқ инжиқ бўлиб, кўп касал бўлаверса, кексалар исмини кўтара олмабди, уни ўзгартиринглар, дейишади. Енгил исм, оғир исм деган гаплар шундан келиб чиққан.

Руҳшуносларнинг таъкидлашларича, ҳар бир исм-шарифнинг бош ҳарфига мўъжизавий сир яширинган бўлар экан. Унга қараб ўша кишининг тақдир йўллари ва келажаги ҳақида хулоса чиқариш мумкин бўлармиш.

Таъкидлаш ўринли, ҳар қандай ҳолатда ҳам исмнинг жарангдорлиги, латифлиги ҳамда маъноси унинг соҳиби руҳиятига йиллар давомида таъсир этиб боради. Аммо бу фикрлар зинҳор қатъий ҳукм эмас. Дунёда 6,5 миллиард одам бўлса 6,5 миллиард тақдир, 6,5 миллиард характер ва 6,5 миллиард "мен" мавжуд. Уларнинг ҳеч бири ҳеч қачон бошқасини такрорламайди.

Халқимизда асрлардан буён шаклланиб келган яхши бир одат бор. Ўзи севган, ихлос қўйган, эл ардоқлайдиган кишилар исмини, суюкли асар қаҳрамонлари номини уларнинг йўлидан борсин, элюртга хизмат қилиб халқнинг дуосига сазовор бўлсин деб, фарзандларига қўйишади. Бу энг хайрли одатлардан биридир. Исми гўзал бўлган инсоннинг ўзи ҳам, қалби ҳам гўзал бўлмоғи керак.

Аммо афсуски, замона зайли деб, баъзи ота-оналар ҳатто қандай маъно англатишини билмай туриб ҳам, ҳар хил хориж сериаллари қаҳрамонлари исмини ўз фарзандларига раво кўрмоқдалар.

Яхши исм аввало — яхши ният, яхши умидворликдан нишона. Шундай экан, фарзандларимизга гўзал, чиройли ва муносиб исм қўйиш ҳаммамиз учун фарздир.

Албатта, бу турли манбалар асосида юритган мулоҳазамиздан, инсоннинг комил ва етук киши — яхши одам бўлиши учун фақат чиройли, муносиб исм қўйишнинг ўзи кифоядир деган фикрни илгари суришдан мутлақо йироқмиз. Одам фарзанди, албатта, биринчи навбатда яхши тарбия кўрмоғи зарур. Бу энди исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқат. Ўринли таълим-тарбия ва зарур эътибор билан вояга етган фарзанднинг исми ҳам жисмига мос бўлса, қандай соз демоқчимиз холос.

Иномжон АБДИЕВ

САРЧАШМА

Абдулла АВЛОНИЙ

Фикр тарбияси

Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тақдир қилинуб келган, муаллимларнинг диққатларига суялган, виждонларига юкланган муқаддас бир вазифадур. Фикр инсоннинг шарофатлик, ғайратлик бўлишига сабаб бўладур. Бу тарбия муаллимларнинг ёрдамига сўнг даража муҳтождурки, фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги муаллимнинг тарбиясига боғлидур. Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса ҳам, икиси бир-биридан айрилмайдурган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидир.

Масалан: жой солинмаган яхши бир уйининг ичида ўтирмак мумкин ўлмадиғи каби, ичига ҳар хил янги ашёлар тўлдуриб зийнатланган эски иморат ҳам ўлтурушга ярамайдур. Башарти ўлтурулса, инсонлар: "Эски уйга янги золдевор", "Кир кўйлакка жун жияк", "Мис қозонга лой тувоқ" деб "ҳажв" кулги қилурлар.

Фикр агар яхши тарбият топса,
Ханжар, олмосдан бўлур ўткур.
Фикринг ойинаси олурса занг,
Руҳи равшан замир ўлур бенур.

АХЛОҚ ТАРБИЯСИ

Ахлоқ тарбияси: инсонларга энг муҳим, зиёда шараф, баланд даража бергувчи ахлоқ тарбиясидур. Биз аввалги дарсда тарбия ила дарс орасида фарқ бор, дедук, чунки: дарс олувчи — билувчи, тарбия олувчи — амал қилувчи демакдур.

Шунинг учун тарбия қилувчи муаллимларнинг ўзлари илмларига омил бўлуб, шогирдларга ҳам берган дарсларини амал ила чоқуштуруб ўргатмаклари лозимдур. Бу равиш таълим ила берилган дарс ва маълумот шогирдларнинг дилига тез таъсир қилуб, муллойи боамал бўлурлар.

Расули акрам набиййи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: "Энг ёмон кишилар илмига амал қилмайдурган кишилар", демишлар. Агар тарбия қилувчи муаллим ўзи олим бўлуб, амалсиз бўлса, бунинг ҳам шогирдларнинг ахлоқига зўр таъсири бўладур. "Домланинг ўзи фалон жойда фалон ишни қилди. Аммо бизларга қилманглар, ҳаромдур, деб ваъз айтадур", деб фикр ва хаёлларига бўйла шак ва шубҳа тушуб қоладур.

ИЛМ

Илм деб ўқумак, ёзмакни яхши билмак, ҳар бир керакли нарсаларни ўрганмакни айтилур. Илм — дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидур. Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилатдур. Зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракотимизни ойина каби кўрсатур. Зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўткир қилур. Савобни гуноҳдан, ҳалолни ҳаромдан, тозани мурдордан айуруб берур, тўғри йўлга раҳнамолик қилуб, дунё ва охиратда масъуд бўлишимизга сабаб бўлур. Илмсиз инсон мевасиз дарахт кабидур. Чунки илмсиз кишилар ота-онасига, қариндош-уруғига, ёр-дўстига, дин ва миллатига фойда еткурмак бир тарафда турсун, ўз устига лозим бўлган ибодат ва тоатни ҳам лойиқича қилолмас. Илмнинг фойдаси у қадар кўпдурки, таъриф қилғон бирла адо қилмак мумкин эмасдур. Бизларни жаҳолат қаронғулигидан қутқарур. Маданият, инсоният, маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузуғ ишлардан қайтарур, яхши хулқ ва адаб соҳиби қилур, Аллоҳ таолога муҳаббат ва эътиқодимизни ортдирур, жаноби Ҳақнинг азамату қудратини билдирур. Алҳосил, бутун ҳаётимиз, саломатимиз, саодатимиз, сарватимиз, маишатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илма боғлидур. Пайғамбаримиз: "Илмга амал қилгучилардан бўлингиз, нақл ва ривоят қилгучилардан бўлмангиз", демишлар.

Илм бир дарё ичи тўлмиш дуру гавҳар билон,
Қиймату қадрин қачон билгон они жоҳил йилон.

Олим кишилар ҳар ерда азиз ва ҳурматлидур. Шариатимизда қайси илмга муҳтож бўлсак, шуни билмак бизга фарздур. Шунинг учун ўқимак, билмак замонларини қўлдан бермай, вужудимизнинг душмани бўлган жаҳолатдан қутулмакга жонимиз борича саъй қилмагимиз лозимдур.

ВАТАННИ СУЙМАК

Ватан. Ҳар бир кишининг туғулуб ўскан шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғулган, ўсган ерини жонидан ортуқ суяр. Ҳатто бу ватан ҳисси-туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз ватанидан — уюридан айирилса, ўз еридаги каби роҳатроҳат яшамас, маишати талх бўлуб, ҳар вақт дилининг бир гўшасида ўз ватанининг муҳаббати турар.

Биз туркистонлилар ўз ватанимизни жонимиздан ортуқ суйдиғимиз каби, араблар Арабистонларини, қумлик, иссиғ чўлларини, эскимўлар шимол тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларин ташлаб ҳижрат қилурлар эди.

Боболаримиз: "Киши юртида султон бўлгунча, ўз юртингда чўпон бўл", демишлар.

Мен айблик эмас, эй ватаним, тоғларим,
Бевақт ташлаб кетдим аё, боғларим.
Ҳижрон қилодур мени жудолиг,
Дўнди ғама рўзу шаб чоғларим.

Ҳаммага маълумдурки, энг муқаддас диний еримиз ўлан Арабистонга боғларини, ҳовлиларини сотуб ҳижрат қилган ҳожиларимизнинг аксари яна ватанларига қайтуб келурлар. Бунинг сабаби, яъни буларни тортиб кетурган қувват ўз ватанларининг, тупроқларининг меҳру муҳаббатидур. Расули акрам набиййи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: "Ҳуббул-ватани минал-имони — Ватанни суймак имондандур", демишлар.

"Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" китобидан.

АЙТГАНЧА

Муаллиф ким ўзи?

Кимдир чала-чулпа мақола "ясаб" ташлайди-да, кимдир уни соатлаб, кунлаб қайта ёзиб ўтиради. Гоҳида бундай мақолаларни "ўзбек тилидан яна ўзбек тили"га "таржима" қилиб чиқишга мажбур бўласан киши. Айтганча, муаллиф ким ўзи? Юмалоқ ёстиқ ҳолда ташлаб кетган "алломаи замон"ми ёки уни "одам" қилган газета ходими?!

Газеталарга оддий хат-хабар ва мақола юбориб турадиган чет муаллифлар, аввало, ўзини, қолаверса, таҳририят ходимларини ҳурмат қилиб, у ёки бу қораламаларини пишиқ-пухта, саводли тарзда тақдим этишлари лозим, назаримда.

Таҳририятга келаётган айрим хат ва мақолаларнинг мазмун-моҳиятига эътибор бериладиган бўлса, уларнинг аксарияти қуруқ таъриф-тавсифлардан ёки сийқаси чиққан фикрлардан иборат бўлиб қолганини кўрамиз. Бу хат-хабарларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка айлантиргунча озмунча меҳнат қилинмайди. Энди шу "хом" материалларнинг "пичоққа илинадиган"и газета юзини кўрди ҳам дейлик. Баъзи бир "муаллиф"ларнинг бир қоп семириб, биров қилган иш учун Матмусадек у ер бу ерда мақтаниб юришини айтмайсизми?

> *— Ҳамма гапни тўғри, силлиқ қилиб ёзсак, сизларга иш қолмайди-да, маошни шунга оласизлар, ахир.*

Шундай "муаллиф"лардан бирига яқинда мен:

— Ака, сизни машҳур этган мухбир мана шу киши бўладилар, — дея унинг ёнида қимтиниб ўтирган ҳамкасбимни кўрсатдим.

— Э, шунақами? Қўлни ташланг, ука. Аслида, ўзим зўр ёзаман. Қозонда бори чўмичга чиқади-да. А, лаббай, — деди у ҳеч тортинмай.

Аммо ўзининг оддий сўзларни ҳам бир-бирига улаб ёза олмаслиги эсига тушдими, ҳарқалай, қўшиб қўйди:

— Ҳамма гапни тўғри, силлиқ қилиб ёзсак, сизларга иш қолмайди-да, маошни шунга оласизлар, ахир.

Унга гап уқтириб бўлмаслигига кўзим етгач, тилимни тишладим. Газета таҳририятларига алоҳида меҳр ва ҳурмат билан қараётган, бизларнинг жон қанотларимизга айланган муаллифларимизни эслаб ҳовуримдан тушдим.

Газета иши чет муаллифларнинг мақолалари, фикр-мулоҳазалари билан жозиба касб этиши ва бойишини ҳамкасбларимиз яхши билишади. Ёзиладиган ҳар бир мақола, юборилган хабар моҳиятан замон талабига мос, таъсирчанлиги билан ибрат бўладиган, жамиятга нафи тегадиган бўлса, бу ҳар бир ижодий жамоанинг омади. Бундай теран фикрли муаллифларни ҳеч қайси нашр қўлдан чиқаргиси келмайди.

Пала-партиш мақола ёзадиган "ҳамкор"ларимиз эса ҳатто шу даражагача етишганки, "мумтоз ижод намуналари"ни кўча-кўйда, тўй-маросимларда "Бизлар ҳам бир газетангизга чиқиб қўяйлик" қабилида қўлингизга тутади. Гоҳида қўнғироқ қилишиб, "Битта мақола ёзувдим, зўр мавзу, чиқарасизларми?" дейди. Икки кун ўтгач эса "Кеча сизларга юборган фалон мақолам нима бўлди?" ёки "Чиқдими?", дея ўзи газетани мунтазам ўқиб боришни хаёлига келтирмай саволга тутадиганлар ҳам топилади. Улар юборган "мақола"ларни ўқиб таҳлил қилсангиз, ғиж-ғиж хато, ҳатто устидан бир кўз югуртириб чиқилмаган ҳам. Чўнтагидаги "флешка"да мақоласининг электрон нусхасини олиб келиб, "Ўзларингиз бир амаллайсизлар-да", дея шошилиб келиб, шошилиб чиқиб кетадиганлар ҳам йўқ эмас.

Қиссадан ҳисса шуки, ёзма нутқ, фикрларини қоғозга тушириб бера олиш маҳорати, ўз устида ишлаш бугун фақат журналистларгагина хос фазилат бўлмасдан, ҳар бир касб эгасига тааллуқлидир. Сўз қудратига таяниб иш кўришдан эса ҳали ҳеч ким зиён кўрмаган.

Адҳам ҲАЙИТОВ,
"Зарафшон" газетаси масъул котиби.

АКС САДО

Сарлавҳада гап кўп

("Сарлавҳа санъати". "Ҳуррият", 2008 йил 30 апрель)

Эътиборни тортадиган сарлавҳалар газетани ўқишли ҳамда халқ орасида машҳур бўлишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир таҳририятда бунга катта эътибор берилмоғи лозим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Маҳмуд Саъдий ёзган бир қатор мақолаларида сарлавҳа топиш санъати ҳақида тўхталиб, "Ҳеч кимнинг хаёлига келмайдиган сарлавҳаларни халқ оғзаки ижоди — достонлар, мақоллар, топишмоқ ва лапар-термалардан истаганча топиш мумкин" деб журналистларимиз учун фойдали бўлган тавсияларни айтиб ўтади. Ҳа, сарлавҳалар топишда ҳам интилиш ва изланмоқ талаб қилинади.

Муаллиф Шаҳло Абдурахмонова мақоласида вилоят ва туман газеталарида ҳали-ҳануз сарлавҳаларга эътибор берилмаётганини куюниб ёзади. Албатта, бу фикрларга қўшилмасдан бўлмайди. Аммо мен мақолани ўқиб, "Андижоннома" газетасини қўлимдан келганча таҳлил қилиб кўрдим. Ва барча маҳаллий газеталарда ҳам бундай эмаслигини айтиб ўтишим жоиз. Гапимнинг исботи учун газетада 2007 йили чоп этилган баъзи мақолаларга қўйилган сарлавҳаларни келтириб ўтмоқчиман: "Ўтин бўлаётган мевазорлар", "Ахборот майдонидаги ғирромлик", "Таноби тортилган Тайсон", "Аъламликлар аламда қолди". Шунингдек, шу йилнинг биринчи чорагида "Болаликнинг болалигини ўғирламайлик", "Чанг босган НКМлар", "Сабрдан яралган саодат", "Деҳқон ерда, маҳсулот растада", "Қаноти кўйлак капалаклар" сарлавҳали мақолалар чоп этилди, уларнинг шов-шуви вилоят миқёсида ёйилди. Бу сарлавҳаларнинг ўзини кўрибоқ мақолани мутолаа қилишга иштиёқ туғилади ўқувчида.

"Ҳуррият" газетаси муҳокама учун яхши мавзуда гап очгани мени қувонтирди. Ишонаманки, устоз журналистларимиз сарлавҳа танлаш маҳорати борасидаги ўз тажрибалари ҳақида ҳали кўп ёзишади.

Абдулаҳад ЎРМОНОВ,
журналист.

МАДАНИЯТ

ДУРДОНА

Тоғай Мурод:

Ҳаёт, бу — тўсиқлар оша югурмоқдир

(Кундаликда қолган битиклар)

Кундалик дафтардаги битикларда ижодкорнинг кузатишлари, хулосалари акс этади. Улар катта-катта асарлар учун хамиртуруш вазифасини ўтайди.

Халқимизнинг атоқли ёзувчиларидан бири Тоғай Мурод ён дафтарида қолган қуйидаги ёзувлар бугун илк бор матбуот юзини кўрмоқда. Тўғри, бу битикларнинг айримларидан адиб қисса ва романларида фойдаланган. Кўпчилиги эса ёзилажак асарлар учун асраб қўйилган хомашё бўлган, назаримизда. Кундалик дафтардаги битиклар Тоғай Муроднинг ўз ижодига берган баҳоси, кечинмалари, адабий режалари ҳақида сўзлайди.

***

Тошкентда яшаётганимдан буён илк маротаба ўзим ҳақимда ўйладим: "Мен ўзи Тошкентда нима қилиб юрибман? Сурхонда тайёр уй, боғларимни ташлаб, ота-онам, уруғ-аймоқларимни ташлаб, нега Тошкентда дайдиб юрибман? Ёзувчи бўлмоқчимидим? Қани, ёзувчи бўлганим? Беш-олтита ҳикоями? Бу ҳикоялар ёзувчи бўлди, деган гап эмас. Бу ҳикоялар шунчаки машқлар. Йўқ, ким эканлигимни, ким бўлмоқчи эканлигимни бир кўрсатиб қўйишим керак".

***

Мен музейни томоша қилмишдай "Ойдинда юрган одамлар"ни томоша қилдим. Мен Рембрандт картиналарини томоша қилмишдай "Ойдинда юрган одамлар"ни томоша қилдим. "Ҳаёт бор экан, "Ойдинда юрган одамлар" ҳам бўлади, — дея яшнадим. — Ўзбек халқи ҳаёт экан, "Ойдинда юрган одамлар" ҳам ҳаётдир".

***

"Отамдан қолган далалар" олти юз (600) бетдан ошиқ эди. Мен уни уч юз (300) бетга қисқартириб туширдим. "Бу дунёда ўлиб бўлмайди" беш юз (500) бетлар эди, мен уни икки юз эллик (250) бетга туширдим. Ўз кўлим билан қайчиладим. Йиллар давомида яратган, пешона тери тўкиб яратган меҳнатим самарасини ўз қўлим билан йўқ қилдим. Кўнглим... увишиб кетди. Кўнглим... ачишиб кетди. Кўкрагим остида бир нима ўпирилиб тушгандай бўлди...

***

Асарларим қисқа-қисқа бўлиб қолди, жажжи-жажжи бўлиб қолди. Рубоий мисол бўлиб қолди, уч минутлик кўшиқ мисол бўлиб қолди. Бир дақиқалик табассум мисол бўлиб қолди. Икки дона маржон кўз ёш мисол бўлиб қолди. Бир зарблик, нафаслик ҳайқириқ мисол бўлиб қолди.

Билмадим, бундай, бу қабил жажжи санъат қанча умр кўради? Билмадим, бу қабил бадиий санъат кўзга кўринмай, бир бурчакда қолиб кетмасмикин? Бу мисол бадиий адабиёт, асар(ни) бешафқат вақт шамоли учириб кетадими, билмадим, билмадим...

***

Яна тағин, менда... саломаликни мазаси йўқ. Дуч келган одамга салом бергим келмайди. Бўлган-бўлмаганга саломалик қилавергим келмайди. Нотаниш одамларга салом бергим келмайди. Айниқса... ёмон кўрган одамлар билан мутлақо саломлашгим келмайди. Айниқса... ғанимларимга кўл узатгим келмайди. Чин-да, ҳаммага салом бераверсангиз... салом чидайдими? Салом — дил-изҳори. Салом — кўнгил майли. Салом — шахсни тан олиш. Салом — бир шахсни иккинчи бошқа бир шахс томонидан тан олиниши. Шу боис, саломни эҳтиёт қилиш керак. Саломни иқтисод (қилиш), тежаш керак.

***

Истеъдодлар бир-бирига соя солиб қўймаслик учун ёлғизликда улғаядилар, довруғ соладилар.

***

Кўйлар пода-пода юради, шер ёлғиз яшайди.

***

Аёлнинг қудрати — эркакнинг ожизлигида.

***

Ҳаёт гўзал эмас... Гўзал бўлганида эди, адабиёт бўлмас эди.

***

Ҳаёт, бу — тўсиқлар оша югурмоқдир.

***

Аҳду паймонларим қошу киприкларим орасига битилган.

***

Умр йўли — борса келмас йўл.

***

Саратон ошиқ юрагидай ёнди.

***

Баҳор — қуёш кулган кун.

***

Ундан почта поездининг ҳиди келди.

***

Инсоният тилида заҳар йўқ, хайрият. Заҳарни сотиб олади! Пичоқ, милтиқ...

***

Тепадан пастга фақат юлдузлар қараб турсин!

***

Қассобга она тилидан кўра мол тили афзалдир.

***

"Санъат — халқ қалби, илм эса ақлидир".

Николай Рерих шундай ёзган эди.

***

Чингизхон: "Мен ўлсам, миқ этманглар, дод-фарёд кўтарманглар, токи душман сезиб қолиб, қувонмасин; жонланиб қолмасин!"

***

"Мен ўзимни буюк рассом деб санайдиган даражада гўл эмасман. Мен фақатгина XX аср кишиларининг бефаросатлиги, манманлиги ва очкўзлигидан фойдаланиб қолган олғир комендантман, холос!" Пикассо шундай деб эди.

***

Робиндранат Тагор: "Адабиётнинг вазифаси, ичкини ташқига, бугунгини абадийга айлантиришдир".

***

Эркаклардаги яхши фазилат — уларнинг ваъдалари.

***

Бернард Шоу: "Ҳеч нарсага ишонмаган одам, ҳамма нарсадан чўчийди".

***

В. Кучеревский: "Заҳарли тил — пистолетдан хавфлироқ!"

***

Наполеон Бонапарт — фавқулоддда, бир лаҳзада вазиятни тўғри баҳолай олган ва ягона тўғри қарорни қабул қила олган одам. Тактикми?

***

Томас Фуллернинг шундай гапи бор: "Ҳамма ҳақида яхши гапирадиган киши ёмон одам саналади".

Маъсума ТЎХТАМУРОД қизи тайёрлади.

ШЕЪР ВА ШУУР

Шижоатли диллар билмагай завол...

Хуршида (Кўчқорова) бугунги кунда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоят бўлимига раҳбарлик қилади. "Алдамчи тонглар", "Сиғмагай жисмим жаҳонга", "Изҳор", "Тажалли" сингари қатор китоблари чоп этилган. Шоиранинг қуйидаги янги шеърлари "Ҳуррият" ўқувчиларига манзур бўлади, деган умиддамиз.

ХУРШИДА



САОДАТ ФАСЛИ

Магарким, уйинг тинч —
Ватанинг тинчдир,
Соф — осуда эрса кўнгил — севинчдир,
Нурсиз ҳаёт бўлмас, меҳр — илинждир,
Дилни айро тутманг мурувватлардан!

Дунё муҳаббатдан яралган асли,
Муҳаббат — гул фасли, саодат фасли!
Эй, сиз Моҳларойдек моҳвашлар насли,
Асранг авлодингиз залолатлардан!

Султонлари суйиб, ардоқланган зот,
Аёл бошинг тутгил тоғлардай баланд,
Ниҳолинг бермасин десанг агар панд,
Огоҳ яша хавфу хиёнатлардан.

Аёл борки, дунё мангу, бардавом,
Аёл Ватан янглиғ муқаддас калом,
Аёл борки, яшар миллат деган ном,
Юрт учун кечгувчи ҳаловатлардан!

Юртбошимнинг сенга ишончи улуғ,
Иймон сўзи аёл қалбидаги туғ!
Маърифат ўчоғин бағридаги чўғ —
Фарзандларинг эрур шаҳодатлардан!

Бир болага етти қўшни онадир,
Фарзандсиз уй ғариб, бир ғамхонадир,
Қариси бор уйдан ёғду ёғадир,
Наслинг яралмишдир саҳоватлардан!

Ватан остонадан бошланар асли,
Бугун эрк фаслидир, ҳуррият фасли,
Маҳалла Ватанга остона мисли,
Остона улуғдир самовотлардан!

Шижоатли диллар билмагай завол,
Халқим сўзларимни олмасми малол,
Ашъорим сўнгида берсам гар савол:
Севгим санарми чин муҳаббатлардан?

***

Юзимда ажинлар — отамдан қолган,
Отамни кўмган кун — мотамдан қолган.
Етар, менга ҳукм ўтказолмайсан,
Ҳижрон, ўзгаларга ситамлар қолган!

Омонат саховат — ҳотамдан қолган,
Надомат — ишқдаги хатомдан қолган,
Кўздаги изтироб, дилдаги алам,
Ваъдасин унутган одамдан қолган...

***

Мен Сизга дунёнинг энг гўзал
Гулларин иноят айласам,
Денгиздек мавжланиб,
Муфассал
Дилларим
Дурларга айланса,
Ва сизни энг зилол,
Мусаффо
Нурларга менгзаса дил сўзим!
Сиз-чи ишқ мулкидан
Вафолар
Келтира оласизми,
Азизим?
...Мен Сизга асраган гулларим
Ўт-олов бағримда
Сўлдилар...
Муҳаббат аталмиш мавода
Сенга жой йўқ, дея ўлдирар
Шум қисмат.
Мен эса
Муҳаббат!
Жонимни берайин сенга, деб,
Йиғладим!
Овозим чиқмади,
Кўз ёшим тўкилмас,
Энтикиб,
Бир сўзнинг такрорин алқадим...
Бир сўзки энг лазиз...
Энг қадим...

КЎНГИЛ

Кўнгил таскин излаюр, кўнгил учун
бир ҳол сўра,
Бўлолмас толе жаҳон, таскин —
асл иқбол, сўра.

Кулолмас кундуз қуёш, ором беролмас
ой кеча,
Беролмам дил ўзгага, балки берарман
мол, сўра.

Хиёнатнинг кўксига тиғ қадолмай
ожиз юрак —
Садоқатдан кечолмасманки тик қадди
дол, сўра.

Ҳаёт бир-бир синов-чун ғам била дард
иньом этур,
Вале шодлик мени бир йўқламайдир, бат
тол, сўра.

Сафолат бағрига ҳеч йўл етаклай
олмас, вале
Сенингдек бир сафилнинг дастидан
дил қаттол, сўра.

Басе, бахт юлдузин минг излабон ишқ
осмонидан,
Мудом топдинг надомат мулкидин
истиқбол, сўра.

СПОРТ

55 МИНГ МУХЛИС

Англиянинг Манчестер шаҳрида ўтказилган ўн икки раундлик жангда жаҳонда икки вазнда мутлақ чемпион Рикки Хаттон мексикалик Хуан Лазканони мағлуб этди. Қизиқарли томони шундаки, муштлашув «Манчестер Сити» ўйингоҳида ташкил этилган. Учрашувни эллик беш минг томошабин бевосита стадиондан томоша қилишди. Томошабинлар орасида машҳур чарм қўлқоп устаси Майк Тайсон ҳам бор эди.

Англиялик боксчи Рикки Хаттон бутун жанг давомида устунликка эришиб, 120-108 (ҳакамлар икки марта шу ҳисобда очко берган) ва 118-110 натижаси билан мухлисларини қувонтирди.

ДАВИДЕНКО РЕВАНШ ОЛДИ

Россиялик теннисчи Николай Давиденко жорий мавсумдаги иккинчи йирик ғалабасига эришди. Пертшахе турнирида спортчи финалда ажойиб ўйин кўрсатиб аргентиналик рақиби Хуан Монакони мағлуб этди. Шундай қилиб, жаҳоннинг тўртинчи ракеткаси АТР турнирининг 17 финалидан ҳозирча жами ўн учта ютуқ мавжуд. Айнан уларнинг учтаси Австрияда қўлга киритилган. Ушбу икки спортчи шу кунгача тўрт марта бир бирига қарши майдонга тушган. Уларнинг учтасида Николай Давиденко шоҳсупага чиқишга эришган. Бироқ ўтган йили у аргентиналик теннисчига чорак финалда имкониятни бой берганди. Яқинда ўтказилган учрашув эса унга реванш олиши учун қулай пайт бўлди.

УЯТЛИ МАҒЛУБИЯТ

Европада дам олиш кунлари «Евро – 2008» чемпионати олдидан бир қатор терма жамоалар ўртасида ўртоқлик учрашувлари ўтказилди. Ён қўшнимиз Қозоғистон миллий терма жамоаси вакиллари ўртоқлик учрашувида россияликларга қарши майдонда тўп сурди. Ўйинда устунлик тўлиқ меҳмонлар тарафида бўлиб, қозоқлар 0:6 ҳисобида мағлубиятга учради. Шунингдек, Хорватия – Молдавия – 1:0, Швейцария – Словакия – 2:0, Венгрия – Греция – 3:2, Голландия – Украина – 3:0, Ирландия – Сербия – 1:1, Туркия – Уругвай – 2:3 ҳисоби қайд этилган ҳолда терма жамоалар ўз имкониятларини синовдан ўтказишди.

АВРААМ ГРАНТ ЭНДИ ОЗОД

Лондоннинг "Челси" клуби расмий сайти тарқатган хабарга кўра, клуб раҳбарияти жамоа бош мураббийи Авраам Грантга кетиши учун жамоа эшикларини кўрсатиб қўйди. Хабарингиз бор, исроиллик мураббий "аристократлар" билан ўтган йилнинг сентябрь ойидан ишлашни бошлаган эди. Унинг қўл остида "Челси" Англия премьер-лигасида иккинчи ўринни қўлга киритди ва Чемпионлар лигаси финалига йўл олди. Москвада ўтган финал учрашувида жамоа "Манчестер Юнайтед"га пенальтилар сериясида мағлуб бўлди.

Юсуфали НУРМАНОВ тайёрлади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Ҳуррият» мустақил газетаси ва «Ўзбекистон матбуоти» журнали жамоалари Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Ўткир Жўраевга фарзанди ЖАСУР ЖЎРАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ХУШМАНЗАРА ОРОМГОҲЛАР ЧОРЛАМОҚДА

Ҳадемай республикамиздаги ёзги болалар оромгоҳлари таътил кунларида ўқувчи ёшларни ўз бағрига олади.

Бу йил Андижон вилоятида 20 минг нафар ёшларни она табиатнинг сўлим ва хушманзара оромгоҳларида мириқиб дам олишлари учун туман ҳокимликлари, ижтимоий суғурта, касаба уюшмалари ташкилотлари ҳамда "Маҳалла" ҳайрия жамғармалари ҳисобидан 948 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

Айни пайтда шаҳар четидаги 19 та болалар оромгоҳларини сифатли қилиб таъмирлаш, моддий-техника базасини яхшилаш, жисмоний тарбия ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Бунда мактаблар ва коллежлар қошидаги 42 та кундузги болалар оромгоҳларида ҳам болажонларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун барча қулайликлар яратилиши кўзда тутилган.

Энг асосийси, болаларни маънавий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ташкил этишга ёш, ташаббускор тарбиячилар жалб этилаётганлиги алоҳида эътиборга молик.

Шунингдек, ёз мавсумида кам таъминланган оилалар фарзандлари, ногирон болаларни Андижон, Хонобод шаҳарларига ҳамда Булоқбоши туманининг оромбахш табиат қўйнига саёҳатга олиб чиқилиши режалаштирилган.

Анвар Ҳалимов

ФИКР

✓ ***Фақат уч кишигина сир сақлай олади, агар уларнинг иккитаси оламдан ўтган бўлса.***

Б.ФРАНКЛИН

РАССОМ ХАНДАСИ

Абдурасул Ҳакимов чизган сурат.

HURRIYAT
O'zingni angla!
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ, Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 236-23-13, 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-56-38 **Тел-факс:** 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Бухорода — 8-365-715-30-57
Самарқандда — 8-366-233-62-12
Сирдарёда — 8-367-374-81-53
Сурхондарёда — 8-376-335-10-22
Тошкентда — 8-370-76-21-934
Фарғонада — 8-373-225-80-58
Хоразмда — 8-362-226-20-80
Қашқадарёда — 8-375-221-78-50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим Рўзиев

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.55

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г-454 Адади: 7020 1 2 3 4 5 6 7 8